



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МАХСУС ЎРТА МИЛИЦИЯ МАКТАБИНИНГ

КОМАНДИРЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБИГА

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАЙЪАТИ ВА ХОДИМЛАРИ НОМИДАН

АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент махсус ўрта милиция мактабининг командирлари, ўқитувчилари ва хизматчиларини 60 йиллик тўй билан чин юракдан табриклайман.

Бу мактаб узоқ йиллардан бери милиция раҳбар кадрлари тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган илк ўқув юртларидан биридир. Мактаб солномасининг энг ажойиб саҳифалари унинг командирлари, ўқитувчилари, ўқувчилари томонидан битилгандир. Мактабнинг шахсий таркиби ҳар бир тарихий ишга, ҳоҳ жиноятчиликка қарши кураш бўлсин, ҳоҳ жамоат тартибини сақлаш бўлсин, ҳоҳ табиий офатларни тугатиш бўлсин, фаол қатнашиб келмоқда.

Мактаб жамоаси томонидан босиб ўтилган йўл ўзбек милицияси тарихига ўз хизмат бурчини аъло бажариш, халқлар дўстлигига, ўзгаларга ёрдам беришга тайёрлик, фуқаролик бурчига содиқлик намунаси бўлиб ёзилажадир.

Ўтган йиллар мобайнида мактаб томонидан милициянинг турли органлари учун қўплаб юқори малакали мутахассислар тайёрланди. Улар ўз хизмат бурчларини шараф билан адо этмоқдалар.

Бугун бизнинг мустақил Республикамизга унинг хавфсизлигини, тинчлигини, миллатлараро тотувлигини таъминловчи, фуқароларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир мутахассислар керак.

Тошкент махсус ўрта милиция мактаби ана шу муҳим вазифани бажариши лозим.

АЗИЗ ФАХРИЙЛАР ВА ЁШЛАР! БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУГ БЎЛСИН!

Ҳаммани, жумладан мактабни ташкил қилишда фаол қатнашганларни, регионда биринчи ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлаб берувчи мактабнинг обрўсини кўтарганларни чин юракдан табриклайман.

Сизларга ва Сизларнинг оилаларингизга тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва соғлиқ тилайман.

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
ички хизмат генерал-лейтенанти
З. АЛМАТОВ.**



*Сурагдаги хо-
димлар Тошкент ўрта
махсус милиция
мактабининг олтиш
ешли тўйига таклиф
қилинган меҳмон-
лардир. Ажабмаски,
улар бу ерда ўтказган
талабалик йилларини
фахр билан ёдга
олсалар. Бу ҳақдаги
суратли репортажни
газетамизнинг 5-
саҳифасида ўқийсиз.*

ШУНДАЙЛАР БОР

ТУН. Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Шу пайт аҳлоқ-тузатиш ишлари бўлимининг 5-тергов ҳибсхонаси навбатчи қисмидаги телефон ташвишли жиринглади. Қўнғироқ қилувчи вилоят касалхонасидан эканлигини, ҳозиргина келтирилган икки беморга 1-гуруҳ тоифасидаги қон жуда зарур эканлигини ва ёрдам беришларини ўтиниб сўради.

Навбатчи Холмурод Бобоев телефон қилувчига 5 дақиқалардан кейин ўзи қўнғироқ қилишини билдириб, хизматдан бўш бўлган барча ходимларни сафга йигди-да, воқеа тафсилоти билан таништирди. Ходимлардан Азамат Хушатов, Эркин

Бозоров, Маматали Имомовлар қон беришга тайёр эканликларини билдиришди. Вилоят касалхонасига қайта қўнғироқ қилишгандан сўнг саноқли дақиқаларда у ерга олиб борган ходимлардан қон олиниб, оғир аҳволда ётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатилди ва уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Яқинда ходимларнинг инсонпарварлик ёрдамлари туфайли омон қолган фуқаролар муассасада бўлишиб, олийжаноб ходимларимизга миннатдорчилик изҳор этишди.

Чори САТТОРОВ,
ички хизмат капитани, Қарши шаҳри.

ҚУВОНЧЛАРИ ЧЕКСИЗ

Жарқўргон тумани ички ишлар бўлими навбатчиси Имомалиева Тожиҳон Ш. мурожаат қилиб, саккиз ешли қизи — Мастонанинг йўқолиб қолганини маълум қилди. Навбатчи аелдан керакли маълумотларни олгач, бу ҳақда бўлим бошлиғига хабар берди.

Ички ишлар бўлими бошлиғининг оператив ишлар бўйича муовини Ёкубжон Элмуродов, бош терговчи Бобомурод Жовлиев, жиноят-қидирув бўлими бошлиғи Рустам Мўминов, Абдураим Камоловлар иштирокида оператив гуруҳ тузилди. Унга

вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини, милиция полковниги Мирза Бозоров раҳбарлик қилди.

Гуруҳ аъзолари воқеа жойини кўздан кечириб, уйдан имзосиз хат топиб олишди. Хат муаллифи кизнинг ота-онасидан Мастона учун 100 минг сўм пул талаб қилганди.

Вақт тигиз, темирини иссиғида босмаса бўлмайди. Бунинг устига саккиз яшар қиз ўғирлангани ҳақидаги шумхабар кичкина шаҳарга бир пастда овоза бўлиб кетган. Баъзи бир ота-оналар таҳликага тушиб, ўз фарзандларини

остонадан ташқарига чиқармай қўйишди.

Милиция ходимларининг режали иш олиб боришлари туфайли Мастона бир кун ичида Узун туман чегарасидан соғ-саломат топилди. Уни Пирназаров номли жамоа хўжалигининг "Меҳнат" участкасида истиқомат қилган нусха ўғирлаб кетган экан. У энди қилмиши учун қонун олдида жавоб бериши муқаррар.

Ота-онанинг қувончлари чексиз.

Э. НУКАРОВ.

Бугунги
сонда:

2-бет

**"У шифтга қаради: ўз тўрига ўралиб қолган
ўргимчакнинг ожиз ҳаракатидан сесканиб тушди..."**

4-бет

**"Мен Нуржонни ўлдирмоқчи эмасдим". Бу сўзларни
айтувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги ҳақида ҳукм
чиқариш сизларга ҳавола.**

6-бет

**Пойтахтимизга оқиб келаётган дайдилар ва улар
келтираётган ташвиш. Сухбат.**

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

РАШК ОҚИБАТИ

Хатирчи районидаги Олтинсой давлат хўжалигининг чўпони рашк туфайли Октовуз қишлоғида яшаган Ф. Ш. ни отиб қўйди. Қотил ҳибсга олинди.

ТУНГИ ҚАРОҚЧИЛАР

Самара вилоятининг Сизрань шаҳридан келган Ш. исмли киши аэропортда енгил машина тўхтатиб, ҳайдовчидан уни Сирғали туманига олиб боришини сўради. Венгерская кўчасига етганда орқа ўриндикда ўтирган икки номаълум шахс меҳмонга тўппончага ўхшаш нарса ўқталиб, 90 минг сўм пулини тортиб олишди.

Зудлик билан кўрилган оператив чоралар натижасида талончиликда гумон қилиниб, Қорақамиш-2-1 даҳасида истиқомат қилувчи икки киши қўлга олинди.

НАВБАТ МАСЖИДГАМИ?!

Янгийўл туманидаги Эски қовунчи жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Ҳазрат масжидига тунда номаълум шахс кириб, шу масжиднинг 1910 йилда туғилган мутавааллисини калтаклади ва "Понасоник" магнитофонини олиб кетди. Изкуварлар жиноятчини қидиришмоқда.

ТОВЛАМАЧИЛАР УШЛАНДИ

Самарқанд шаҳридаги 5-хўжалик ҳисобидаги такси қорхонасининг ёқилги қуввчисига номаълум шахслар дўқ-пўписа қилиб, унинг "ВАЗ-2106" белгили М 12-73 СН рақамли автомашинасини тортиб олишди ва эвазига 250 минг сўм пул талаб қилишди. Жабрланувчи бу ҳақда милицияга хабар қилди. Кўрилган тезкор чора-тадбир туфайли қаллоблар 250 минг сўмни санаб олишаётганда ушландилар. Улар Киев кўчасининг 23-хонадонидида истиқомат қилган Р. М. ва нефть омбори, таъмирловчиси 1962 йилда туғилган А. З. бўлиб чиқди. Энди товлामачилар қилмишлари учун одил суд олдида жавоб беришади.

ТЕРГОВ АНИҚЛАЙДИ

Наманган шаҳридаги Лангар кўчасида яшовчи, 1974 йилда туғилган М. Б. уйдан Н-49595 рақамли 32 калибрли қирқма милтик топилди. Қирқма милтик билан боғлиқ тафсилотлар тергов жараёнида аниқланди.

БИР КОП ДАҲШАТ

Нукусдаги 21-кичик туман, 269-уйнинг 1-хонадони томорқасида қимдир номаълум кимсанинг кесилган қўллари солинган қопни "унутиб" қолдирибди. Жасаднинг қолган қисми қидирилмоқда.

ҚУЛФБУЗАРЛАР

Гулистон шаҳридаги Гагарин кўча, 57-уйнинг 5-хонадони қулфини куппа-кундузи номаълум шахслар бузиб кириб, 52 минг сўмлик кийим-кечакни орқалаб кетишди.

МИЛИЦИОНЕР АДАШМАДИ

Тошкент темирйўл шохбекатида Владивостокдан келган "Бригантина" ширкати ишчиси (муқаддам судланган) текширилди. Қарантки, милиционер адашмаган экан. Унинг ҳалтасидан 1 килограмму 240 грамм гнєхванд модда — қорадори чиқди.

ҚОТИЛ КИМ?

Чортоқ туманининг Дўстлик жамоа хўжалигидаги жарлиқдан осие миллатига мансуб, 25-30 ёшлардаги эркак кишининг қуйдириб юборилган жасади топилди. Тинимсиз изланиш жараёнида унинг шахси аниқланди. У Тўқаев кўчасининг 1-уйида яшаган Х. Қ. бўлиб чиқди. Қотил аниқланмоқда.

КАМОМАД

Орзургети станциясидан келган 23181431 рақамли вагоннинг юклари туширилаётганда 900 килограмм (унинг умумий нархи 250 минг) Грузияда ишлаб чиқарилган қора чой камомати борлиги аниқланди. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.

ҚЎЙ ЎГИРЛАНДИ

Ўзбекистон туманидаги Қақир қишлоғида яшовчи, 1939 йилда туғилган биродаримизнинг уйига тунда ўғрилари кириб, ўн бир бош қўйини ўғирлаб кетишди. Жиноятчилар изига тушилди.

УЛФАТЧИЛИКДАН ШИФОХОНАГА

Олмалик шаҳридаги "Весна" қаҳвахонасининг бўлим бошлиғи уйига қариндош-уруғлари, таниш-билишларини таклиф этди. Аммо улфатчилик узоқ давом этмади. Ўн бир нафар меҳмон дастурхонга қўйилган тузланган хўзиқориндан тановул қилиб, шифохонага етқизилди. Аини пайтда улар ўзларини яхши ҳис қилишаппти.

ЖИНОЙИ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

Каттакўргон сув хўжалиги ишчиси, Янги Марказ кўчасида истиқомат қилган Р.нинг уйдан 7 килограмм гнєхванд модда топилди ва йўқ қилинди.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Зомин туманидаги "Ғалабанинг 40 йиллиги" номли давлат хўжалигидан оқиб ўтадиган каналдан, осие миллатига мансуб 16-20 ёшлар чамасидаги номаълум эркак кишининг жасади топилди. Унинг шахси аниқланмоқда.

М. ТИЛЛАЕВ.

ҚАШҚАДАРЁДАН ХАБАРЛАР

АЛОҚАДА ВИЛОЯТ ИЧКИ
ИШЛАР БОШҚАРМАСИ
МАТБУОТ ГУРУҲИ

ҚАРШИ шаҳрида яшовчи М. исмли биродаримиз фирибгарликда жуда устомон чиқиб қолди. У Қарши давлат дорилфунуни ўқитувчиси А. Абдиевдан ўз уйини сотиш баҳонаси билан 35 минг сўм пулни жарақлатиб санаб олган. Бундан икки ой муқаддам эса у шу дорилфунуннинг яна бир ўқитувчисини чув тушириб, 20 минг сўмини ўзлаштириб кетган экан. Ҳамкасблар бош қўшишиб, шаҳар ички ишлар бўлимига шикоят қилишди. Ҳозирда М. устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

ҚАМАШИЛИК Лайло Номозованинг уйига тунда тушган номаълум шахслар унинг 17 минг 300 сўм пули, тўрт дон аёллар рўмоли, 10 метр газламасини "супуриб" кетишган. Чироқчи туманидаги "Чорвадор" давлат хўжалиги ҳайдовчиси Холикул Сатторовнинг эса молхонасидан 13 бош қўй ўғирланган.

БОЛАЛАРИГА кийим-бош сотиб олиш учун "Саодат" дўконига кирган Зулфия исмли аёлни ақлини пештахталардаги қимматбаҳо буюмлар ўғирлади.

Харид ҳам эсидан чиқиб, дўкондан олислади. Анчагина юргач, билагидаги сумкасининг йўқлигини сезиб қолди. Дўконда унутиб қолдирибди. Шоша-пиша қайтиб келсаки, сумка йўқ! Унда кўп эмас, кам эмас, роппа-роса 78 минг 436 сўм пул ва хужжатлар бор эди.

Орадан икки кун ўтиб, сумкасини ва хужжатларини ҳовлисидан топиб олди (ўтрига инсоф кириб, ташлаб кетган бўлса керак). Аммо пул йўқ. Қарши шаҳар ИИБ оперқидирув вакиллари ишга киришишди. Чиқмаган жондан умид.

УМУМАН кутилмаган ҳодиса. Муборак шаҳар санэпидемиология станцияси ишчиси А. Оққўзиев дўсти О. Алиевнинг уйидаги

ваннада ювинаётиб, қувурдан чиққан газ исидан заҳарланди ва жон берди. Тафсилотлар аниқланипти.

ҲЕЧ КИМНИ иймонидан айирмасин экан. Айирдим, демак, унинг ўрнига нопоклик уруғининг экилиши тайин. Шахрисабз шаҳар Ипак йўли кўчасида истиқомат қилувчи 70 ёшли отахон деб ҳурматлашга нолойиқ қария 37 ёшли Х. Бобононовнинг кўрак қафасига пичоқ уриб, оғир тан жароҳати етказди. Пичоқ танага бехато урилган экан: жабрланувчи касалхонада жон таслим қилди. Иймонсиз қария ўша кунни маст эканлиги аниқланди.

Қонун барчага баварар. Туман прокуратураси текшириш ишларини

олиб бормоқда.

КУНЛИК тушумга ўрганган кимсанинг кафти ловуллаб туради дейишади. Бир кунлик тушумдан "қисир" қолса агар, кафти кичийвериб ҳол-жонига қўймас экан. Ҳузор тумани матлубот жамиятига қарашли дўкон сотувчиси Азамат Очилов харидор Т.Раҳмоновга бир жуфт болалар этикчасини сотиб, унинг ҳақидан 290 сўм ошиқча ушлаб қолган, Нишон тумани матлубот жамиятига қарашли 19-хўжалик моллари дўкони мудри А. Абдусаломов харидорга сотган икки дон буюқ қутисининг устига 235 сўм зиёда пул қўйганди.

Икки сотувчи устидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

БЎЛИНМАНИНГ
ИШИ ВА
ТАШВИШИ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг буйруғи билан 1990 йилнинг июнь ойида Яқкабоғ қасабасида милиция бўлими ташкил қилиниб, унга тажрибали ходим, милиция майори Ҳамза Саидов бошлиқ этиб тайинланганди. Қисқа фурсатда Турон, Турнабулоқ, Қизилсув, Қўштол давлат хўжаликлари, Яқкабоғ ўрмон хўжалиги, Ш. Рашидов номли ҳамда Шарқ юлдузи жамоа хўжаликларида жиноятчилик анча камайди. Аксарият хўжаликлар чорвачиликка ихтисослашганлиги туфайли бу жойларда мол ўғриликлари кўпайиб кетгандики, кейинги вақтларда бунга ҳам айтарли чек қўйилди.

Ҳ. Саидовнинг берган маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнида жами 58 та жиноят содир этилиб, шундан 20 таси очилмасдан қолган. Жорий йилнинг шу муддатида эса хатланган 31 та жиноятдан олтитасининг тугуни ечилмай турибди.

— Ишимизда ижобий томонга силжиш бор, — дейди гап орасида бошлиқ, — аммо мақсад ўзимизни мақташ эмас. Балки, бошни қотираётган муаммолар ҳақида яна бир бор бонг уриш. Бозор иқтисодиёти бизнинг бўлимини ҳам қомига тортди. Транспорт етишмайди, битта ҳам мотоцикл ажратилмаган. Ҳолбуки, қишлоқлар бир-биридан бир неча километрлаб масофаларда жойлашган. Пойи-пиёда кезиб чиқишни бир тасаввур қилиб кўринг. Бунинг устига хўжаликлар ҳисобидан ажратилган участка назоратчилари ва милиция ходимлари 3-4 ойлаб маош ололмайдан қалак. Нимадир қилиш керак! Вақт эса ўтиб борапти.

Баҳриддин АЛИҚУЛОВ,
милиция майори.

ТАДБИРЛАР
АМАЛДА

Жиноятчиликнинг пайини қирқиш борасида Қамаш тумани ИИБ томонидан "Яхлит", "Арсенал", "Тўр", "Қорадори" каби тадбирлар ишлаб чиқилди. Айтиш мумкин, натижаси ёмон бўлмади.

Шу йилнинг ўн ойида фуқаролардан 386 шикоят ва аризалар тушиб, 240 нафар шахс турли жавобгарликка тортилди. 78 жиноят фуқароларнинг хабарлари, ёрдами туфайли қисқа муддатларда очилди.

Ноябрь ойигача рўйхатга олинган 174 жиноятнинг 130таси жиноят-қидирув йўналиши бўйича бўлиб, уларнинг аксарияти ўғирликдир.

Иқтисодий жиноятларнинг 38таси фош этилди ва 31 фуқародан ноқонуний равишда сақланаётган совуқ қуроллар тортиб олинди.

Булардан ташқари майда безорилик, дайдилар, чайқовчилик, паспорт режимини бузиш, кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик, ички-ликбозлик кабилар билан ҳам кескин кураш олиб борилмоқда.

ДАН назоратчилари милиция старшинаси Х. Эргашев, кичик сержант И. Мўминовлар 09-44 ҚФМ рақамли "Қама3" белгили машинани тўхтатдилар. Лангар давлат хўжалигига тегишли 5 бош қорамолни ўғирлаб кетаётган кимсалар ходимларга пора таклиф қилишди. Бироқ улар бурчларига содиқ қолиб, ўғирларни ИИБга келтиришди. Шу кунларда мол ўғирлари устидан суд кетмоқда.

Бироқ юқоридаги тадбирларга қарамай айрим жиноятларнинг очилмай қолаётганини ҳам таъкидлаш лозим. Уларни очишда жамоатчиликнинг ёрдами зарур. Негаки, қаерда халқ билан биргаликда иш олиб борилса ишнинг унуми бўлади.

Ҳ. ҚУДРАТОВ.

Бир жиноят тарихи

чиқармай ҳал қиладиган бўлди.

Ухшатмасдан учратмас деганларидек, кассир Лиза Сафарова ҳам бош ҳисобидан қолмас экан. Улар топганларини арра қилишиб, туя кўрдингми йўқ, қабилда ишлаб юришди. Бош ҳисобчи Мусурмон Раҳматов гоҳо ёлғиз қолганда, ҳамтовогини унутиб унинг дастхатисиз пул тўлов варақаларини тўлдириб, қалбаки имзолар билан анча миқдордаги пулларнинг изига сув қуйди. Ачинарлиси, нопокликка қўл урмаган ўқувчиларга стипендия тарқатилди, деб варақалар тўлғазадиган одат чиқазди. Жумладан, 63,64,65,67-гуруҳ ўқувчилари номига пул тўлов варақаси тўлдириб, қалбаки имзолар билан қарийб 8000 сўмни ўзлаштирди. Уша йиллари шўро сўмининг

истеҳзоли жилмайди. Лиза қочиримини фаҳмлаб: "Билим юртида кўзимизга суртганимиз шу. Йўқса, қишда шудгор ҳайдармидик",— дея кесатди. Директор ажабсингандек елка учирди. Шу лаҳзада хона эшиги шарақлаб очилди, ранги-қути-учган Мусурмон палагда овозда:

— Директор бува, қовун туширдик, тоғим, таянчим Сиз!— дея ингранди. Директор ўтакаси ёрилгандай:

— Нима бўлди, Мусурмонбой,—дея ўрнидан турди. Мусурмон танглайи қуриб, ютинди:

— Тафтиш... Юқоридан тафтиш келармиш,— деди базўр.

— Ҳа, шунга ота гўри қозихонами?— жавоб қилди директор. — Мен қайси уйга ўт тушибди деб ўйлабман. Тафтишни бугун кўраясизми?

— Шундайку-я, лекин хужжат дегани... чайналди Мусурмон.

— Оёб, сизни... қўйинг-ей ёш болани гапини қилиб.— Директор хотиржам кулди. — Еган топади, Мусурмонбой!

Мусурмон аччиқ қалампир ютгандек афти бужмайиб, пешонадаги терини камзулининг энги билан артки. Кечагина қадамга ер торлик қилиб қолган ҳисобчи товۇқ катагида қолгандек ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. "Олтибой акам бор-ку",— ўзига-ўзи тасалли берди. Тафтишчи дегани ер ёригидан чиқмаган, ундайм нафс бор. У директорга илтижоли боқди. Лекин директор:

— Мусурмонбой, қалава чуваланса, ёмонга яхшиям ўралиб кетади,— ташвишли оҳангда гап қотди.

Аммо, Мусурмон Раҳматов бу тафтишчини кўндира олмади. Баҳонаси, важи тош босмади. Бугунги тафтишчи Усмон Худойкуловдай ич ачир чиқмади, қайтанга пўстақдан бургга қидириб, ҳаммаёққа ўт қўйди. Мусурмон ўз тўрига ўралган ўргимчакни эслаб инграб юборди. У шу пайт тубсиз ўпқон қаърига тушаётгандай гужанак бўлиб олди.

Ҳа, элда текин луқма томоқ тешар, деган гап бор.

Бу нақл қанча тўғри эканлигини 39-хўнарта техника билим юрти бош ҳисобчиси панжара ортга боргандагина чуқур ҳис этди. М. Раҳматов суд ҳукми билан жиноий жазога тортилди. Шериклари — тафтишчи У. Худойкулов, кассир Л. Сафарова, ўз вазифасига совуққонлик билан қараган учун директор О. Исмамов тегишли жазоларини олдилар.

— Тергов ва сурштириш ишлари давомида анча қийинчиликларга дуч келдик,— дейди вилоят ички ишлар бошқармасининг катта терговчиси, милиция майори Иброҳим Содатов.— Бу жиноятнинг тарихи узун. Қарийб уч йиллик катта талон-тароажлики ўз ичига олган жиноят тафсилотларини аниқлаб, исботлаш игна билан қудуқ қазишдек машаққат талаб қилди. Давлатга келтирилган моддий зарарми? 246 минг 721 сўм! Шўро сўмининг ўша даврдаги кадр-қимматини ўйласанг, ўйингдан учкун сачрайди. Ўқув даргоҳи — маърифат ўчоғи. Истагим, фарзандларимиз таълим оладиган ва хўнара ўрганадиган ўқув масканларида бундай ўпирлишлар бўлмасин.

Жиноятчиларнинг айримлари республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги нишонлангани муносабати билан авф этилди. Лекин улар бу инсонпарварлиқнинг кадр-қимматига етишармикан?

Терговчининг мулоҳазаларига қўшилмасдан бўлмайди.

Ўроқ ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳининг катта назоратчиси, ички хизмат катта лейтенанти.

Ў П Қ О Н

кадрли эканлигини ҳисобга олганда, ўзлаштирган пулларга тойчоқдек ги-жинглаган энгил автомашина бериш турган гап. Мусурмон шундай иш қилди: "Шу топиш-тутарим билан машина минмасам..."

У ҳеч иккиланмай "ВАЗ-21063" белгили яп-янгил "Жигули" энгил автомашинаси сотиб олди. Талтайиб кетган бош ҳисобчининг кўзига ошхонанинг оши аччиқ ботадиган бўлди. Энди у ресторан, барларга бориб тановул қиладиган одат чиқарди. Мусурмон ўзини ердами, кўкда юрибди сезмай ҳам қолди. Чўнтагини давлатнинг пули қаппайтиргач, кўнгли тусаган ишга қўл урадиган бўлди. Қарангки, кассир Лиза Сафарова еганинг қолади қабилда бош ҳисобчининг жиноятига шериклик қилди.

Лиза меҳнат таълилга ёхуд бирон иш юзасидан сафарга чиқадиган бўлса, ҳеч ик-киланмасдан сейф қалити ва пулларни бош ҳисобчига ишониб қолдирарди. У бош ҳисобчи тузган ҳар қандай қалбаки хужжатга имзо чекиб, тушган тушумини арра қилишдан қўрқмасди. Шу тариқа Лиза ҳам нафс қулига айланди.

Мусурмон Раҳматов кассирни қармоғига илтириб, бирни ўнга уриб, давлат мулкига чанг солавверди. Айниқса, ўқувчилар ҳақида қиёнат қилишдан зарра чўчимади. Биргина 1987 йилда жиноий шериклари билан давлатнинг 38 минг 100 сўм 90 тиини, 1988 йилда 39 минг 731 сўм 67 тиини, 1989 йилда 76 минг 832 сўм маблағини ўзлаштириб юборди. 1990 йилда ҳам "шайтон операцияси"ни давом эттираётганда тузоққа илинди. Бу жиноий гуруҳнинг давлатга 246 минг 721 сўм моддий зарар етказгани маълум бўлди.

Мусурмон тафтишчилар билан тил топишида устаси фаранг эди. Уларда ҳам жигилдон бор, ҳарқалай узатгани дариг кетмас деб ўйларди.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг назорат-тафтиш бўлими тафтишчиси Усмон Худойкулов суви бўшлардан чиқди. Мусурмоннинг сохта кўз ёшига ишондими ё қор ёгса из босилар қабилда иш тутдими, ишқилиб у ҳам гуруҳ қурбони бўлди. Икки марта тафтиш хужжатларини яшириб, жиноятни ёпишга уринди.

Мусурмон Раҳматов билим юрти директори Олтибой Исмамовга тафтиш сўнгиде кўрак кертди: "Директор бува, Ҳисс тоғини ўпириб есам ҳам биров билмайди". Директор "уддабурон" бош ҳисобчиси ишдан мамнун жилмайди. Ахир бир туяга юк бўлгудай жиноят босди-босди бўлгач... Еган Мусурмонбой, тепилган директор бўлмаслиги керак-да.

Директор кассир Л. Сафаровани хузурига чақириб огоҳлантирди: "Мусурмон бўлмаса мусулмонликдан чиқарганимизда", дея

ЭҲМ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЁРДАМ БЕРМОҚДА РЕСПУБЛИКАМИЗ

муствақиллигининг тан олиниши, мамлакатимизга келиш ва хорижга чиқишнинг осонлашуви муносабати билан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро ҳамкорлик фаоллашиб бормоқда. Лекин бу уюшган жиноий гуруҳлар билан халқаро жиноий ташкилотлар ўртасида бевосита алоқа боғланиши учун ҳам қулай шароит яратмоқда.

Бундай шароитда ички ишлар идоралари, уларнинг бўлинмаларини бошқариш, қабул қилинаётган қарорларнинг оперативлиги, самарадорлигини ошириш, мураккаб ва ҳар томонлама оператив-қидирув ҳамда профилактик тадбирларни тайёрлаш, ўтказиш жараёнларини яхшилаш замонавий ҳисоблаш техникасиз амалда мумкин эмас.

Милиция ходимларининг катта отряди иш вақтининг анча қисмини жиноят қилган кишилар шахсини аниқлаш ва қидириш учун турли кўринишдаги кўплаб ахборотларни топиш, тўплаш ва қайта ишлашга сарфлашларини ҳисобга олиб, ички ишлар идораларини компьютерлаштириш вақтида ИИБ раҳбарияти асосий эътиборни ахборот-алмашув ва оператив-қидирув йўналишидаги автоматлаштирилган тизимлар ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратди.

АХБОРОТ ТЎЛИҚ БЎЛГАНДА

КОМПЬЮТЕР техникасини қўллаш борасида чет эл, айниқса АҚШнинг Нью-Йорк ва Александрия шаҳарлари полицияларининг тажрибаларидан фойдаланиш ва «Арамис» (Ўзбекистон Республикаси ИИБ тақдим этган), «Флинт» (Россия ИИБ Академиясидан сотиб олинган) ва бошқа программа воситалари ҳамда деярли икки йил давомида ИИБда ўтказилган ташкилий тадбирлар негизида оператив қизиқиш уйғотадиган ки-

шилар, воқеалар ва нарсалар ҳақида 30 мингдан ортиқ ҳисоб бирлигига эга бўлган бир қатор ахборот-алмашув жамғармаси яратилишига муваффақ бўлиндики, бу жиноятчиликка қарши кураш натижаларини жиддий ошириш имконини берди.

Ахборот-алмашув тизимлари ишлаб чиқиладиганда, энг аввало содир этилган жиноят ҳақида воқеа рўй берган жой текширилган пайдан бошлаб тўла ахборот тўпланишини таъминлаш зарурати ҳисобга олинди. Шу мақсадда

1992 йил 10 майда оғир тан жароҳати етказиш факти бўйича илгари мулкый жиноятлар учун муқаддам судланган, Қоракўл шаҳрида яшовчи фуқаро О. қўлга олинади. 1990 йилда Коля исмли йигит унга «ВАЗ-2106» белгили автомашина сотганлиги маълум бўлди. Машина кузовининг рақами ЭҲМнинг ахборот-алмашув тизими бўйича текширилганда у Бухорода яшовчи фуқаро Т. Иноятвга тегишли эканлиги аниқланди. Олиб борилган оператив-қидирув тадбирлари

«Ҳисобдаги кишилар», «Қурол», «Объектлар», «Фоторобот» каби тизимлардан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

“ОБЪЕКТ” ВАЗИЯТНИ НАЗОРАТ ҚИЛМОҚДА

ЯҚИНДА ишлаб чиқарилган «Объект» ахборот-алмашув системасида жиноий тажовуз қилиниши мумкин бўлган объектлар ёки ҳисобда турган шахслар ҳақида зарур маълумотлар тўпланган. Бу тизим бўйича

жиноятларни «излар босилмасдан» очиш анча яхшиланди.

Шуни таъкидлаш керакки, ИИБ ЖҚБ компьютер техникасининг имкониятларидан фақат муайян жиноятларни очишдагина эмас, ўз ташкилий ишлари самарадорлигини оширишда ҳам фойдаланилмоқда. АҚШ мутахассислари ЭҲМ меҳнат унвондорлигини машинада матн босишда олти, бошқарув ҳужжатларини тайёрлашда ўн, ахборот айрибошлашда беш марта ошириши ва ҳужжатларни сақлаш жойини 98 фоизга қисқартиришини аниқлашган. Шу муносабат билан компьютер техникасининг имкониятларидан энг аввало таҳлилий ишларни такомиллаштиришда фойдаланилади.

МУАММОЛАР ҲАҚИДА БИР НЕЧА СЎЗ

Шуни афсусланиб қайд этиш керакки, ЭҲМнинг мавжуд ва тобора ортиб бораётган имкониятларидан жиноятчиларни қидириш ва жиноятларни очиш ишлари самарадорлигини оширишда етарли даражада фойдаланилмаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири ИИБ шахсий таркибининг касбий-техник жиҳатдан паст тайёргарлигидир.

Милиция ходимларининг компьютер техникаси борасидаги саводларини оширишда республика ИИБнинг ўқув юртлари катта ёрдам беришлари мумкин.

Бутун электрон-ҳисоблаш комплексини янада такомиллаштириш оператив-қидирув, оператив-маълумотнома ва статистика ахборотлари марказлаштирилишини, ички ишлар идоралари ва бўлинмаларнинг оператив хабардорлигини, қуйи бўлинмаларни бошқариш самарадорлиги оширилишини, ишнинг пировард натижалари яхшиланишини таъминлаш керак.

В. НОРОВ,
Бухоро ИИБ ЖҚБ бошлиғи,
милиция майори.

“ФЛИНТ”, “ЛЕКСИКОН” ВА ҲОКАЗО

«жиноят» ахборот-алмашув тизими ва бир хил шаклдаги оператив-алмашув карточкаси ишлаб чиқилган. Улар оператив ходимга жабрланувчи, содир этилган жиноятнинг жойи, вақти, усули ҳамда воситалари, ўғирланган нарсалар ва шўхбалаңаётган шахсларнинг белгилари тўғрисидаги ахборотни, олинган изларининг хусусиятларини, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва олиб бориладиган оператив-қидирув тадбирларининг натижаларини жиноят содир бўлган жойнинг ўзида қайд этиш имконини беради.

Ушбу ахборот-алмашув тизими жорий этилиши оқибатида деярли мингга яқин очилмаган жиноятлар ва ўғирланган буюмлар ҳақида маълумотлар тўпланди. Бу тизимдан фаол фойдаланиш қисқа муддатларда ва исталган вақтда қонунбузарлар ёнидан чиққан ёки эгасиз буюмларни аниқлаш, қонунбузарларнинг белгиларига қараб уларнинг очилмаган жиноятларга даҳли борми йўқлигини текшириш, бир хил усулда ёки бир киши томонидан қилинган жиноятларни қайд этиш имконини яратади. Бундан ташқари, мазкур тизим жиноятни очиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирларни назорат қилишга ёрдам беради.

натижасида ушбу жиноятни амалга оширган шахслар аниқланиб, қўлга олинди. Улар бундан ташқари 1990-1992 йиллар мобайнида яна 7 та машина олиб қочганлари ва 9 та хонадонга ўғирликка тушганлари ҳам маълум бўлди.

“ИЗЛАР

БОСИЛМАСДАН”

1992 йил 9 февраль кечаси соат 12 да Бухородаги П. Неруда кўчасида жойлашган дўкон олдида номаълум кишилар Технология илмгоҳининг талабаси Қ. Раҳмоновни пичоқлаб ўлдиришган.

Ўтказилган оператив-қидирув тадбирларига қарамай бу жиноят анчагача очилмай қолди. Лекин жиноят содир бўлган жойда истиқомат қилувчи ва қонунга қарши турмуш кечирувчи шахслар ҳақидаги хабарлар юқорида тилга олинган тизим ёрдамида ҳар ойда умумлаштириб борилди. Натижада июнь ойида П. Неруда кўчасида яшайдиган, 1959 йилда туғилган Петр Ламокин шубҳа уйғотди. У ҳамтовоқлари билан жиноят содир этилган жойда мунтазам ичкиликбозлик қилар ва жамоат тартибини бузарди. Ўтказилган оператив-қидирув ишлар натижасида унинг жиноятга алоқаси борлиги аниқланди ва у Қ. Раҳмоновни ўлдирганига иқроор бўлди.

Юқорида санаб ўтилган тизимлар билан бир қаторда жиноятларнинг олдини олиш ва очиш, жиноятчиларни аниқлаш ва қидириш мақсадида «Уй паспорти»,


ахборот тўплаш яқинда бошланди, лекин ҳозирдаёқ пул маблағлари сақланадиган, автотранспорт таъмирланадиган жойлар, тижорат дўконлари, меҳмонхоналар ва бошқа ҳаммаси бўлиб 135 та объект ҳақида тўла маълумотлар жамланган.

Хабарларни қайта ишлаб чиқиш ва ахборотлар бериш тезлигини ошириш мақсадида Россия ИИБ Академиясидан «Флинт» дастурий воситаси сотиб олинди. У барча тизимларни маълумотлар тўпланадиган битта базага жамлаш имконини берди. Бу бир шахс ёки объект ҳақида комплекс ахборот олинишини таъминлайди.

ИИБда яратилган электрон-ҳисоблаш комплексининг самарадорлиги оператив бўлим тузилиши билан анча ортди. Бўлимнинг асосий мақсади ЭҲМнинг бутун маълумотлар базасидан тўла фойдаланиш йўли билан жиноятларни «излар босилмасдан» очилишини ташкил этиш, ички ишлар идораларининг куч-қуввати ҳамда воситаларига оператив раҳбарлик қилиш, оператив вазият устидан мунтазам назоратни таъминлашдан иборатдир.

Таркибий ўзгартиришлар амалга оширилиши ва компьютер техникаси жорий этилиши оқибатида вилоятда

СУРАТЛАРДА: жиноят юз берди. ИИБ оператив штаби бошқарув марказининг милиция катта лейтенанти Александр Вангулов (ўнгдаги сурат) билан милиция лейтенанти Бахтиёр Ҳасанов (чапдаги сурат) келадиган ахборотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашни ҳамда жиноятлар «излар босилмасдан» очилиши учун узатишни бошланди; бошқарув маркази. Е. ЗУЕВ олган сурат.



Яхши натижалар кўпаяверади

АГАР ЭСКИ иттифок ҳудуди ва жумҳуриятда жиноятлар сонининг ошиши кузатилаётган бўлса, Самарқанд шаҳрида шу йилнинг 10 ойида у 7,3 фоизга, жиноят-қидирув соҳасидаги эса 3,8 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

Жиноят-қидирув соҳасидаги жиноятларни очиб ишлари ҳам бирмунча яхшиланиб, 5 фоизга кўтарилди.

Жиноят турлари бўйича кўрадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида қотилликлар 10,7 фоизга, номусга тегиш 88,8 фоизга, оғир тан жароҳатлари етказиш 14,9 фоизга, бошқинчилик 25 фоизга, талончилик 7,3 фоизга, шахсий мулк ўғирлиги 9,7 фоизга ва ниҳоят инсон ҳалокатига олиб келган йўлулов ҳодисаларининг сони 33,3 фоизга камайди.

Ўтган давр ичидаги жиноятларнинг очилиш жараёнини турлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бошқинчилик 10 фоизга, давлат ва жамоат мулки ўғирликлари 16,6 фоизга, талончилик 7,1 фоизга, шахсий мулк ўғирлигини очиб эса 7 фоизга яхшиланигани маълум бўлди.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ички ишлар бошқармасида жиноятга қарши курашнинг асосий оғирлиги милиция майори Рустам Мирзаев раҳбарлик қилаётган жиноят-қидирув бўлимига тушади. 1992 йилнинг 10 ойи давомида шу бўлим ходимлари томонидан фош этилган қонунбузарликлар сони умумий очилган жиноятларнинг 80 фоиздан кўпрогини ташкил этади. Бўлим ходимлари томонидан уюшган гуруҳларга қарши самарали кураш олиб боришмоқда. Ўтган давр ичида Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатган 118 жиноий гуруҳ фош этилиб, жавобгарликка тортилди. Ҳозирги пайтда асосий эътибор оғир жиноятларни очиб қаратиладиган. Ўтган йилларда содир этилиб, ҳозиргача очилмасдан қолган қонунбузарликларни фош этиш ва уни содир этган шахсларни тегишли жазога тортилишини таъминлаш қар бир ходимнинг вазифасидир. Бу борада ҳам муайян ишлар олиб борилади.

Суд ва терговдан қочган жиноятчилар ва бедарак кетган шахсларни қидириш ишлари фаол олиб борилади. Бу ишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган "Дайди", "Қидирув" тадбирлари яхши натижалар берди.

Бу даврда гиехвандликка қарши кураш Самарқанд шаҳри ҳудудида ўтган йилларга нисбатан яхши йўлга қўйилди. Наркотик моддаларни тарқатиб сотувчи 6 киши, шундан моддаларни сақлаган 50га яқин шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Улардан 50 килограммдан ортиқ наркотик моддалар мусодара қилинди. 1176 квадрат метр майдонда экилган, таркибда наркотик модда бўлган ўсимликлар йўқ қилиниб, уларни эккан шахсларга тегишли жазолар берилди. Ҳозирги пайтда гиехвандликка қарши курашда кўпроқ маъмурий жазо чоралари қўлланилаётгани, бу албатта, яхши натижаларни беради.

Оператив вакилларнинг ишини энгиллаштириш, қўлга киритилган маълумотларни системалаштириш ва уларни жиноятчиликка қарши ишлатилишини энгиллаштириш мақсадида электрон ҳисоблаш машинаси ишга туширилди. Унинг хотирасини тўлдириш давом этмоқда. ЭХМ қонунбузарликка қарши курашда кенг ишлатилмоқда.

Бўлим оператив - вакилларининг малакасини ошириш мақсадида машгулотлар ташкил этилган. Бунда улар янгиликлар, вазирлик буйруқ ва дастурлари билан таништиришга қолмасдан, илгор оператив ходимларнинг тажрибаларини ўрганадилар, ўзаро тажриба алмашадилар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, оператив вакиллар ўз фаолиятларида ишлатадиган техник воситалар эски даврдан қолган бўлиб, ҳозирги замон талабларига жавоб бериб қолмайди. Агар биз билан жиноятчиларни солиштирадиган бўлсак, бу милиция ходимларининг фойдасига ҳал бўлмайди, чунки ҳозирги шароитда қонунбузарлар техник жиҳатдан яхши таъминланган.

Шунга қарамадан жиноятчиликка қарши курашда кенг жамоатчиликни жалб эта олсак, яхши натижаларга ҳамиша эришаверамиз.

С. АМИНОВ,
Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ИИБ
ЖҚБ катта оператив вакили, милиция майори.

МЕН ҚОТИЛМАНМИ?

Негадир кейинги вақтда шу саволни ўзимга-ўзим қайта-қайта берадиган бўлиб қолдим. Эсламайин десам ҳам ўша мудҳиш воқеа кўз ўнгимда тақрор-тақрор гавдаланаверади: қўлимда қон томиб турган пичоқ... Ана йўлакнинг ўртасида қора қонига беланган Нуржон қимир этмай ётибди. Яна аллақандай башаралармий. Менга қараб тиржайиб туришибди. Уйқимдан дод солиб уйғониб кетаман. Аммо ҳаёллар барибир таъқиб этаверади. Ҳар куни виждоним олдида жавоб беришга мажбурман. "Сен одам ўлдирдинг!" — Ахир мен уни ўлдиришни истамагандим. Ўзлари шунга мажбур қилишди. "Йўқ сен барибир қотилсан!" — Уф-ф ниҳоятда чарчадим. Бундан кўра ўзимни... Бу дунёда виждон азобичалик азоб бўлмаса керак.

Бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб бермагунимча барибир мени тушунмайсизлар. Қотиллик тафсилоти билан танишиб чиққанларингиздан сўнг эса менинг устимдан қандай ҳукм чиқариш ўзларингизнинг ихтиёрингизда.

Исми Фаррух. Ёшим 20 да. Бундан уч йил аввал Тошкент вилоятининг Бўка районида истиқомат қилардим. Ҳозирги турар-жойим эса... Бу ҳақда ҳикоямнинг сўнгиди маълумот бериб ўтаман.

Шундан қилиб, 1989 йил бизни, бир гуруҳ бўкалик талабаларни Россияга, тўғрироғи Иваново вилоятининг Тейково районида 20-автоматкага таълим олишга юборишди. Гуруҳимизда нафақат ўзбек, балки қозоқ йигитлари ҳам бор эди. Улар билан бизнинг ўртамаздаги келишмовчилик аслида поездаёқ бошланганди. Ҳар бир гуруҳнинг ўз етакчиси бор эди. Гап етакчи деб тан олинган боланинг бошқаларга қараганда қай жиҳатдан устунроқ туришида экан. Қозоқ болалар ўртасида етакчи деб ҳисобланган Серик жисмонан бақувватлиги билан нафақат ўзининг, балки бизнинг гуруҳимиздаги болалардан ҳам ажралиб турарди. У кучига ишонганлиги учунми, билмадим, сафаримизнинг биринчи куниданоқ ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Мен ва яна учта ҳамроҳим купеда ўтиргандик, (тўрталамиз ҳам ўзбек). Купе эшиги очилиб бир қозоқ бола Жасур исмли ҳамроҳимизни кимдир чақиратганлигини айтиб, зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Жасур ҳеч нарсани тушунмай, унинг кетидан чиқиб кетди. Биз аввалига ҳайрон бўлдик. 10 дақиқада кутдик, аммо у негадир қайтавермади. Ҳавотирланиб, учаламиз ҳам

вагон йўлагига чиқдик. Йўлакда ҳеч ким йўқ. Тамбур томон йўл олдик. Тамбур эшигини очишга очдику, бир дақиқа ҳайрон бўлиб қотиб қолдик. Серик ўзининг дўстлари билан Жасурни ўласи қилиб дўппослаётган эди. Улар бизни кўриб муштлашни бас қилишди. Улардан гап нимада эканлигини тушунтириб беришни сўрадик. Нима эмиш, "Жасур Серикка тик қараган, уни писанд қилмаган". Биз улар билан ортиқ жанжаллашиб

— деганча ўқитувчимизнинг хонасига кириб кетдик. Орадан бир оз ўтгач, икки пой бокс кўлоқчини кўтариб чиқиб келди. Ортидан Смирнов домламит чикди. Серикнинг ниятини фахмлади шекилли, тезда мени хонасига чақирди. Унга ҳозиргина бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бердим. Домламит: "Сен ташқарига чиқиб тур", — дея мени хонадан чиқариб юбориб Серикни чақирди. Серик эса: "Кетиб қолма, барибир

ўзим ошхонадан олган пичоққа. Тепкилашганида футболкамдан тушиб қолган бўлса керак. Пичоққа секин қўл чўздим, сопини маҳкам ушладим 2-3 марта ҳавода серпладим. Рақиблар ҳатто парво ҳам қилишмади. Яна бир пичоқ кўтарганимни биламан: "сўйиб қўйди!" — деган бақирик қўлоғимга чалинди. Сочимни маҳкам ушлаб турган боланинг қўли бўшашиб, олдимга шилқ этиб йиқилиб тушди. Унинг афтига қарадим у кўриб кетдим. Бу бола Серикнинг жияни Нуржон эди. "Нима қилиб қўйдинг, боя ўлдирмаган бўлсам ҳам энди ўлдираман сени!" — дея Серик менга ташланди. Ундан қочиб ҳожатхонага кирдим. Эшигини маҳкамлаб, қон томиб турган пичоқни унитазга ташлаб юбордим. Ҳожатхонадан секин йўлакка мўраладим, негадир Серик кўринмасди. Йўлакнинг ўртасида Нуржон қора қонига беланиб ётар, бир бола бошини ушлаб турарди. "Ўлдириб қўйган бўлсамчи", деган ваҳима вужудимни қамраб олди. Шу орада "тез ёрдам"да Нуржонни касалхонага олиб кетишди. Бир неча соатлардан кейин милиция ходимлари келиб, жиноят содир этилган жойни кўздан кечириб, мени ўзлари билан олиб кетишди. Содир этган жиноятим юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Тергов унча узоқ вақт олмади. Айбимга тўла иқдор бўлдим. Биргина ўзим айбдор бўлмасам ҳам, (бир кишининг ҳаётига зомин бўлганлигим учун) Иваново халқ суди мени РСФСР ЖМнинг 108-модда 2-бандига кўра 6 йил озодликдан маҳрум этди. Тўғри тушунинг, ўзимни оқламоқчи эмасман. Қамоқда ўтадиган умримга ҳам ачинмайман. Чунки мен ҳам яшаш учун курашдим. Аммо мени бир савол қийнайди: Нега энди қандайдир бир зўравон Серикни деб беғуноҳ бир бола ҳаётдан кўз юмди? Мен эса унинг қотилига айландим. Айбим нимада? Жасурни, ўз юртдошимни ҳимоя қилганимдами?

Мени қоралайсизми ёки оқлайсизми — бу сизнинг ихтиёрингизда. Энди мен учун бунинг қизиги йўқ. Чунки ўзимга-ўзим ҳукм чиқариб бўлганман. Қотилман. Аммо қалбимнинг бир бурчагида яна нимадир гимирлаб қўяди. Ўзимни яна бир бор ишонтариш учун сиздан ҳам сўраб қўрай, фақат ростини айтинг — мен қотилманми?

**Фаррухнинг дил
изтиробрларини қозоғга
туширувчи Дилшод
САИДМУРДОВ.**

МЕН НУРЖОННИ ЎЛДИРМОҚЧИ ЭМАСДИМ

Ўтирмай Жасурни суяб тургиздикда, купега олиб чиқмоқчи бўлдик. Аммо Серик газаб билан менга қараб: "шўшмайтур, ҳали сен билан ҳам учрашамиз!" — дея четга бир тутирдик, дўстларини эргаштирганича қўшни вагонга ўтиб кетди. Шундан сўнг Тошкентдан Москвага — Россиянинг жуда кўп шаҳарларини тинчгина томоша қилиб кетдик. Ниҳоят Москвага ҳам етиб келдик. Поезддан тушгач, гуруҳимизни икки қисмга бўлишди. Биз бошқа гуруҳга, Сериклар бошқа гуруҳга тушишди. Биз ўзимизнинг гуруҳ билан Тейковога автобусда кетдик. Серик ва унинг дўстларини эса Лёжновдаги 4-автоматкага жўнатишди. Афсуски гуруҳимизни Тейководаги автоматкага қабул қилишмади. Икки кундан сўнг биз ҳам Лёжновга жойлашдик. Биз 4-қаватда, Сериклар шу ётоқхонанинг 3-қаватида экан. Эртаси кун Серикни қаватимиз йўлагига кўриб қолиб, салом бердим, бироқ у саломимга алик олмади. Қандайдир мудҳиш воқеа содир бўлишини юракдан ҳис этиб турардим. Икки кундан сўнг дарсга қатнай бошладик. Шанба кун эса жисмоний тарбия ўқитувчисидан рухсат олиб, дарсдан сўнг бир оз машқ қилиш мақсадида спорт залида қолдим. Энди машқ қилишни бошлаган эдим ҳамки, залнинг эшиги очилиб Серик кириб келди. Мени кўргач, олдимга яқинлашиб: "Хохласанг уришишни ўргатаман", — деди. Унга жавобан: "Шарт эмас", — дейишимни биламан, икки марта мушт туширдик. Утириб қолдим. У эса: "Яхши эмас, яхши эмас",

таъзиригнни берман", — деди-да Смирновнинг хонасига кириб кетди. У хонага кирган заҳоти, пайтдан фойдаланиб, ётоқхонага югурдим. Ҳамхоналаримга бор гапни айтдим-да, қолган болаларни сўрадим. Дам олиш хонасида телевизор кўриб ўтиришибди дейишди. Ҳа майли, нима бўлса бўлди деб ҳожатхонага йўл олдим. Қайтаётиб йўлакнинг бошида Серик ва унинг дўстларини кўриб қолдим. Улар чақчақлашиб туришарди. Шўшиб йўлимни ўзгартирдим, ошхонага бурилдим. Қарасам столнинг устига ошпичоқ турган экан. Шартта олдимда, футболкамнинг ичига солиб қўйдим ва ҳеч нарса билан иши йўқ кишидай, секин хуштак чалиб хонам томон йўл олдим. Аммо худди шу пайт, ўзим кутганимдай уларнинг чақириқларини эшитдим. Энди уларнинг олдида боришдан бошқа иложим йўқ эди. Хонамнинг олдида ўтаётиб эшигимни тақиллатиб қўйдим. Олдларига бориб: "Келинлар урушмайлик, бундан на сизларга, на менга бирор бир наф бор", — деб мурсага келтирмоқчи бўлдим. Аммо шундоқ деб илтимос қилишимни биламан, гапимни ҳатто эшитмай туриб, ўртага олиб дўппослаб кетишди. Улар 12 киши эди. Шовқинни эшитиб, ўрлоқларим юзуби чиқишди. Биз озчилик эдик. 12 кишига бас келиб бўлмади. Улардан бири сочимдан маҳкам ушлаб ерга босди, учтаси эса уч томондан тепкилай бошлашди. "Қўйворинлар!", — деб бақирдим. Қаёқда, уларга таъсир ҳам қилмади. Шунда подда ётган пичоққа кўзим тушди. Боягина



Назокат Салимова Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимининг паспорт столда ишлайди. Жуда серҳаракат ва чаққон. Энг муҳими, Назокат юртдошларининг мушқуллари омон қилаётганини чин дилдан идрок этади.

Суратда: Н.Салимова иш вақтида. Сурат муаллифи Х. Шодиев.

ЯНА БИР ПАДАРКУШ

Марғилонлик 58 ешли Анвар Аҳмедовнинг ўз уйида тўсатдан вафот этганлиги тўғрисидаги хабар бир зумда оғиздан-оғизга кўчди. Лекин нимагадир кўпчилик унинг ўлимини одатдаги ҳолдек қабул қилди. Баъзи бир кишилар ўлим сабабини ароқхўрлик билан боғлашди ҳам. Фақатгина марҳумнинг хонадонига шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Тохиржон Раҳмонов бошчилигидаги милиция ходимлари келишгач, кўп нарса аён бўлди.

Дастлаб А. Аҳмедовнинг оила аъзолари, кўни-қўшнилари билан суҳбатлашилди. Ҳамсуҳбатларнинг кўрсатмалари турлича чикди. Устига-устак хонадон ошхонасининг деворларида ҳамда марҳум ётоқхонасига кираверишдаги эшик пардасида кўзга кўринмас қон изларининг борлиги ходимларни шубҳага солди. Энг ажабланирлиси, марҳум-

нинг фарзандлари уни тезроқ қабристонга олиб бориб қўмишни истаб қолишди. Ўртанча ўғилнинг жигибийрони чиқиши ички ишлар ходимларини янада таажжублантирди.

Жасад вилоят суд-тиббий экспертизасидан ўтказилгач, воқеа анчагина ойдинлашди. Марҳумнинг ўлганига уч кун бўлган. Ундан ортиқ қовурга суяклар синдирилган. Хулоса шу бўлдики, А. Аҳмедов аввалига қаттиқ калтакланган, кейин бўғиб ўлдирилган. Гумондор — марҳумнинг ўртанча ўғли, муқадам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Т. Аҳмедов. Сўроқ пайтида ўғил отанинг қотили эканлиги аниқланди. Можарога отамерос уй сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 81-моддасига асосан, айбланувчи устидан жиноий иш қўзғатилди ва жавобгарликка тортилди.

М. КИМСАНБОВ,
милиция майори.

СОХТА СОТУВЧИЛАР

КЕЙИНГИ пайтларда нима кўп сотувчилар кўп. Ҳар қадамнингизга бир сотувчи тўри келади. Битта стол, битта стул бўлса, қарабсизки савдо шаҳобчаси-да. Ундаги турли молларга қўйилган нархларни айтмайсизми. Тамакиннинг бир кутиси 100 — 150, арокларнинг баҳоси 350 дан бир ярим минг сўмгача! Майда тамаки ва ароксиз ҳам яшаса бўлади.

Қолганларининг баҳоси-чи? Яқинда Хоразм вилояти ҳокими махсус белгиланмаган жойларда савдо-сотиқ қилишни таъқиқловчи қарор қабул қилди. Мазкур қарордан сўнг юзлаб сохта сотувчиларнинг сирлари очилиб қолди.

Урганчлик Э. Абдуллаев 4 шиша "Пшеничная", 3 шиша "Русская водка", ва "Ашхабад" ароғини сотиб ўтирганда ушланди.

Б. Худойберганов 8 шиша арок, Й. Қаландаров эса коньяк, вино ва турли тамакиларни сотиб турганида сохта сотувчилиги фош этилди.


Ҳўш, улар мазкур маҳсулотларни қаердан олишди? Ўйлаймизки, тергов давомида бу саволга жавоб топилади.

К. РАҲМОНОВ,

Урганч шаҳар ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи.

СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ

МАКТАБ — 60 ЁШДА



Тантаналар эрталаб соат 10да бошланди. Бунгача ҳам ўзи мактаб биноси, ҳовлисининг ранго-ранг байроқлар билан безатилиб қўйилиши байрамдан дарак бериб турарди.

Бундан 60 йил муқаддам Қўқонда Ўрта махсус милиция мактаби ташкил қилинган эди. Ўтган давр бир йигитнинг умрига тенг ва у мактаб учун ном-нишонсиз кетмади. Бу вақт ичида жуда катта ўзгаришлар содир этилдики, бунинг меҳмонга келган собиқ битирувчилар ҳам таъкидлаб ўтишди.

Курсантлар бино рўпарасидаги катта майдонда сафга тизилгач, мактаб шахсий таркиби ва курсантлари байрам тантанасига йиғилишгани ҳақида ҳисобот берилди. Ҳозир бўлганларни дастлаб ички ишлар вазири муовини Равшан Ҳайдаров қутлуг айём билан муборакбод этди ва ички ишлар вазирининг табригини ўқиб эшиттирди. Сўнгра вазирнинг ўқишда, ўқитишда яхши кўрсаткичларга эришган курсантлар, мураббийлар ва мактабнинг бошқа ходимларини Фахрий ёрлик, "Аъло хизматлари учун" кўкрак нишони, пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди.

Ҳар қандай тўйни меҳмонсиз тасаввур қилиш жуда мушкул. Бу ерга ҳам кўп меҳмон йиғилган. Мактаб бошлиғи, милиция полковниги Ўткир Пўлатовнинг сўзидан сўнг улар сўз олишиб, жамоани байрам билан муборакбод қилишди.

— Биз туманда амалга ошираётган кўпгина ишлар учун мактаб жамоасидан миннатдоримиз, — деди Юнусобод тумани ҳокими Рустам Калонов. —

Чунки ҳоҳ жамоат тартибини сақлашда бўлсин, ҳоҳ бошқа ишларда улар бизга яқиндан кўмакдошдирлар.

41 йил бурун ушбу даргоҳни тамомлаб кетган истеъфодаги милиция генерал-майори Жўрахон ака Аъзамов мактабнинг, ўша пайтдаги ва бугунги аҳволи ҳақида гапирди. Уларни таққослади.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар ИИБ, Ўт ўчириш техника билим юрти, Нақлиёт ИИБнинг вакиллари ҳам ўз шахсий таркиблари номидан мактаб жамоасини 60 ёш билан қутлади.

— Аслида, — деди Олий милиция мактабининг вакили — бизнинг мактаб билан бу даргоҳни ака-ука десак ҳам бўлаверади. Лекин тарихнинг ишини қарангки, ука акадан анча катта экан.

Байрам тантаналари сўнггида ички қўшинлар бошқармаси қошидаги Икромжон Бўронов раҳбарлик қилаётган даста концерт берди.

И. ШОМУРОВОД.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Суратлар муаллифи Ҳ. ШОДИЕВ.

УЧАСТКА
ВАКИЛИ

(Ёш ходимларимиз
ҳақида ҳикоя)

Район ички ишлар бўлими бошлигининг тергов ишлари бўйича ўринбосари Раҳимжон Сайдаровнинг иш кабинетига суҳбатлашиб ўтириб, милиция майори Абдусамат ака Муҳаммадқуловга хизмат сафаримнинг мақсадини айтганимда, у киши "Ҳозир, худди Сиз айтган йигит шу ерда юрганди, зумда чақирамиз-да", деб қолдилар. Мақсадим ёш, меҳнат жамоаси йўлланмаси билан милицияга ишга келган участка вакили ҳақида бирон нарсаси бўлди.

Бўлгуси қаҳрамон келгунча, район ички ишлар бўлими раҳбарларидан у йигит ҳақида сурштирдим.

— Ажойиб йигит. Ёш бўлса ҳам ўз ишига жуда қизиққан. Ҳар қандай топириқни ўта жиддийлик ва масъулият билан бажариши бизга маъқул тушаётди, — деди бўлим бошлигининг ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича ўринбосари А. Муҳаммадқулов.

— Бўш вақтида терговчиларимизнинг олдидан кетмайди. Доимо бирон масала бўйича маслаҳат олаётганини кўраман, — гапга қўшилди катта терговчи милиция майори Худойберди Норбоев.

Шу пайт эшик тақиллаб, бўлажак қаҳрамонимиз — Қуйичирчиқ райони ички ишлар бўлими участка вакили Баҳодир Исаев хонага кириб келди. Баҳодир билан узоқ суҳбатлашдик. Суҳбатимиз мавзун кўпроқ хизмат ҳақида борди...

Саксонинчи йилларнинг бошлари. Ушанда Баҳодир Ангрендаги Давлат Педагогика олийгоҳида таҳсил олارد. У талабалардан ташкил топган халқ кўнгилчилари сафида фаол

қатнашиб, шаҳар даҳалари оёсийшталигини сақлаш учун участка нозирига яқиндан ёрдам берарди.

Уша пайтда агар олийгоҳни битирсам, албатта ички ишлар идорасига ишга кираман — деб кўнглимга тугиб қўйгандим, — деб ҳикоя қилади Баҳодир. — Мана йиллар бир бирини қувиб ўтиб ҳам кетди. Талабалик йилларим ҳам ортда қолди. Айрим оилавий сабаблар туфайли ва олийгоҳнинг тартибига биноан ўқишни битиргач, тезда милицияга ишга киришни иложи бўлмади.

Мактабда беш йилдан кўпроқ ўқувчиларга меҳнат ва чизмачиликдан дарс бердим. Ҳаётий тажрибамни анча мустаҳкамлаб олдим, одамлар билан муомала қилишни ўргандим. Мен олдиндан ният қилган орзум 1991 йилнинг декабрь ойида ушалди. Вилоят ички ишлар бошқармасига мурожаат қилган аризам ижобий ҳал бўлиб, мени дастлаб тиббий ҳушёрхона бўлимига вакил, кейинчалик эса участка вакили этиб ишга тайинлашди.

Милиция лейтенанти Баҳодир Исаевнинг участка вакили бўлиб хизмат қилаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо у шу қисқа давр ичида ўз ҳамкасблари ичида обрў-этибор қозонди, энг муҳими — ўзи хизмат қилаётган Солдатский шаҳрининг учинчи микрорайони аҳолиси ҳурматига сазовор бўлди.

Айни кунларда бу маҳаллада 4500 га яқин киши яшайди. Булар ичида жиноят қилишга мойил ва муқаддам судланганлар ҳам бор. Пахта қабул қилиш пункти, иккита қурилиш ташкилоти, тайёрлов идораси ходимлари билан жиддий ишлашга тўғри келади.

— "Яхши гапирсанг, илон ҳам

инидан чиқади", — деган бобомиздан қолган гап тўғри экан, — дейди Баҳодир. — Мен иш-ни энг аввало маҳалла активи билан алоқани яхшилашдан бошладим. Маҳалладаги обрўли кишилар аҳолининг кўзгуси. Улардан ҳар қандай масалага жавоб топиш мумкин. Улар билан ҳамжиҳат ишлашни асосий мақсад қилиб олганман.

Баҳодир ҳақ гапни айтди. Халққа, одамларга суянмасдан милиция ходими бирон ютуққа эриша олмаслиги барчамизга аён. Баҳодирнинг ишлари ҳақида шаҳар Кенгаши раиси Жўлибек Умировдан сўраганимизда, у киши бу участка вакилининг ишидан, хулқидан жуда ҳам мамнун эканлигини айтиб, гапининг охирида "Баҳодирга ўхшаган йигитларни ишга танлаган милиция раҳбарларига катта раҳмат. Бу соҳада мана шундай чаққон, билимдон, бақувват ва одобли ёшларнинг кўпаявергани маъқул", — деди.

Баҳодирнинг кўрсаткичларига мурожаат қиламиз. Хизмат қилаётган ҳудудда 11 ой мобайнида 8 та жиноят рўй берибди. Майда безорилик, чайқовчилик ва ўғирлик, жамоат тартибини бузиш, спиртли ичимлик тайёрлаш ва сотиш каби хунук воқеалар ҳам бўлиб тураркан. Унинг мақсади мана шу жиноятларнинг олдини олиш, ўзи хизмат қилаётган ҳудудда яшовчилар ўртасида ҳеч қандай жиноятга йўл қўймаслик. Баҳодир шу эзгу ният билан хизмат қилаётди. Биз ҳам унинг бу эзгу ниятларининг амалга ошишида катта ютуқлар тилаймиз.

Х. ОЛЛОНаЗАРОВ,

Тошкент вилояти ИИБ матбуот
маркази раҳбари.

УРГАНЧ шаҳар ИИБга хабар тушди. Шаҳардаги "Комсомолнинг 40 йиллиги" кўчасида "М-412" белгили Б 88-80 ХЗ рақамли машинани кимдир олиб қочган.

Тезлик билан гуруҳ тузилиб, воқеа содир қилинган жойга етиб боришди. Аниқ ҳаракатлар натижасида машина ўғрилари қўлга тушди. Эгрилар шу ерлик Раҳим ва Холиқлар экан. Олиб борилган суриштирувлар натижасида

мақсадида келган харидор Дилбар Матназарова пулни сотувчига бериш учун сумкасида қўлини олиб борган ҳам эдики, 400 сўм пулини бошқа бир қўл олиб кетаётганига қўзи тушди. Ўзини йўқотиб қўйган Дилбар зўрга "вой-дод, ёрдам беринглар" — дея олди, холос. Ўғри эса шу қўчида ППХ ходимларидан милиция катта сержанти Нурбек Қурбоннов, кичик сержант Баҳром Сапоевларнинг рўпарасидан чиқиб

УРГАНЧДАГИ
"БОРДИ-КЕЛДИ"ЛАР

буларнинг яна бир машина олиб қочишгани маълум бўлди. Негаки машина "ишқибозлари" устахонасидан шу йилнинг 15 июнь кунин олиб қочилган К. Собировга тегишли "М-412" белгили машинанинг бўлакланган эҳтиёт қисмлари топилди.

Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

Гурлан кўчасида яшовчи Рашиднинг уйига бир неча қуролланган шахслар босқинчилик қилиш ниятида киришган. Шаҳар ИИБ бошлиғи муовини милиция майори Комилжон Раҳмонов, милиция капитанлари катта терговчи Озод Қодиров, участка вакили Фарход Бобоҷонов кўрсатилган хонага кириб борганларига ҳақиқатан ҳам босқинчилик содир қилинганлиги кўриниб турарди. Жабрланувчининг айтишича улар уч киши бўлишган, унинг бошига пичоқ билан уриб, жароҳат етказишган ва катта миқдорда пул талаб қилишган.

Тунги соат 24 ларда қилинган бу жиноят икки соатдан кейин очилди. Жиноятчилар шаҳардан чиқиб кетишга уринаётганларида ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилди. Энди эса қилишларига яраша жазо олишлари қолди холос.

ШАҲАР савдо ярмаркасига яхши ниятлар билан у-бу харид қилиш

колса бўладими. Пул шайдоси ҳеч қаерда ишламайдиган ва илгари судланган Қадам исми нусха экан.

ШАҲАРНИНГ Бозор кўчасида спорт моллари дўконига юк келган эди. Сотувчи Рўздат Аннамурадوف бу юкларни тушира бошлаганда бир ўспирин яқинлашиб: "Ака, ёрдам берайми?" — деб сўраб қолди. Сотувчи рози бўлди ва иккаласи юк билан омборга катнай бошлашди. Бу орада тушлик бўлиб қолди. Рўздат "ёрдамчини" тушликка таклиф қилмоқчи бўлиб кўп ахтарди, лекин топа олмади. "Яхши иш бўлмади-да, тушликка таклиф қилмадим, хафа бўлиб кетгандир", — деб ўйлади у.

Тушлик қилиниб, ҳамма сотувчилар ўз ўринларига келиб, ишларини бошлаб юборишди. Рўздат ака эса икки қўли билан бошини чангаллаганича ўтирарди. Чунки "беминнат" ёрдамчиси кассадаги 8040 сўм пулни "супуриб" кетган экан-да. Бахтларига "ёрдамчи" ҳали дўкон ичида экан, уни дарҳол тутиб олишди. Ҳамма тушликка кетаётганида у ҳеч кимга билдирмасдан бино ичида қолиб кетган эди. 1976 йилда туғилган Фахриддинни халқ суди ўз навбатида уч йилга "беминнат ёрдамга" юборди.

Сатдулла БОБО.

МУСОҲАБА

ЗАРАРЛИ ОҚИМ

Ўзбекистонга, хусусан, унинг пойтахти — Тошкентга ҳар кунини само, темирйўл, автойўллар орқали минг-минглаб одамлар ташириб буюрилади. Ҳар бирининг ўз юмуши, ўз ташвиши бор, албатта. Келувчилар орасида яна бир тоифа одамлар борки, уларни бир оғиз сўз билан "дайдилар" деб номлашган. Нон шахрига (уларнинг тасаввури бўйича) оқиб келадиган бу тоифанинг миқдори йилдан йилга ортиб бормоқда. Деярли ҳаммасининг гапи бир — қандай қилиб бўлмасин, қорин тўйдириш. "Ғам"дан фориг бўлиш эса бошқа мамлакатларнинг шаҳарларига қараганда, Тошкентда осонроқ. Чунки давлатимиз пойтахтида сиёсий вазият барқарор, озиқ-овқат етарли ва нисбатан арзон. Одамлари ҳам сахийқалб; бир сўм сўрсалар икки сўм узатишади.

Дайдилар Тошкентга келиб фойда кўришяпти. Тошкент-чи? Батамом акси. Уларнинг орасида ашаддий, қидирувдаги жиноятчилар, тилга олишга киши ҳазар қилувчи касалликлар билан оғриганлар, фирибгарликда суяги йўқлар борлиги эътиборга олинмаган бўлса, Тошкент ва тошкентликлар учун уларнинг турган-битгани зарар.

Бу хусусда батафсилроқ маълумотлар олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Нақлиёт ИИБ дайдиларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси бошлиғининг ўринбосари милиция майори Неймат Худойбергановнинг ҳузурини бўлиб, суҳбатини олдим.

— Жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида, — дея гап бошлади Н. Худойберганов, — Тошкентга келиб кун кўрмоқни ният қилган 673 нафар дайди ушланди. Тўққиз ойлик ҳисоб-китобларга мувожаат қиладиган бўлсак, пойтахтимизга республикамизнинг турли вилоятларидан 251 нафар, қўшни Қозғистон 68, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистондан 23, Литва, Озарбайжон, Украина, Молдова, Беларусь, Арманистон каби мамлакатлардан 10, шунингдек, Россиядан 82 нафар кутилмаган "меҳмонлар" қадам ранжида қилишган. Агар рақамларга эътибор берган бўлсангиз, энг кўп миқдор Россияга тўғри келаяпти. Ўтган йили улар 50 киши эди (йиллик кун).

— Дайдилар орасида жиноятчилар, касалланганлар, фоҳишалар ҳам бўлиши аниқ. Шундай эмасми?

— Тўғри. Энг хавотири ва энг ёмон томони ҳам шунда. Юқорида айтиб ўтилган 673 дайди текширилганда 117 нафари жиноят содир этган шахслар бўлиб чиқди. Шу 117 кишининг ичида қотиллар ҳам, қочқинлар ҳам, рецидивистлар

ҳам, қидирувдагилар ҳам бор.

Яна бир маълумот. Ушлаб келтирилганлардан 36 нафарининг ҳар хил касалликларга чалинганлиги аниқланди, ўн уч шахс теританосил касалликлари диспансерига, ўн тўрт шахс сил касалликлари, тўққизтаси эса асаб касалликлари шифохонасига юборилди.

— Неймат ака, сиз олиб бораётган ишларингиз ҳақида умумий ҳулосалар билангина чекланингиз. Аммо чуқурроқ ёндашиладиган, ичкарироқ кириб бориладиган бўлса, аниқки, бир қанча ортиқча ташвишлар, ечимини кутиб ётган муаммолар бўй кўрсатади...

— Нимасини айтасиз. Муаммолар керагича. Керагидан ортиқча ҳам топилади. Ушланган дайдиларни маълум муддат жой ва озиқ-овқат билан таъминлаш, шахсини аниқлаш учун тегишли жойларга сўровномалар жўнатиш каби бир қатор юмушлар бизнинг одатий вазифамиз. Бу борада йўл-йўлакай туғилиб қоладиган муаммоларни ечиш ҳам бевосита бизнинг зиммамизда. Бироқ ҳал қилишга бизнинг имкон ва қудратимиз етмайдиган масалалар ҳам борки, улар

ҳақида гапиравериб, рост, чарчадик. Ҳеч қанақа ижобий натижа йўқ. Паспорт масаласини олайлик. Келинг, ахшиси, бу ҳақда Абдували Қаюмов гапириб бера қолсинлар.

А. КАЮМОВ бошлиқнинг шахсий таркиб бўйича ўринбосари, милиция лейтенанти:

— Биласизми, масаланинг ечими келтирилган шахсларнинг инсоф-идрокига боғлиқ. Биз уларнинг сўнгги паспортларини қаердан олганликларини тўлиқ аниқлаганимиздан сўнг, ўша жойларга сўровномалар юборамиз. Ва келган жавобларга асосланиб, янги паспорт тайёрланади. Тайёр паспортларини уларга топширишимиз ва ишчи кучи беришимизни сўраб муурожаат қилган муассасалар ихтиёрига юборишимиз керак. Аммо паспортни тайин қилинган вақтда олиш учун эгалари келишмайди. Текин даромадга ўрганган одам бирон жойга бориб ишларканми? Албатта йўқ, ўтган ўн ой ичида 92 та паспорт тайёрланган бўлса, шундан қарийб 40 фойзини эгалари олиб кетишмади.

— Биз учун, — дея мавзунини давом эттирди Н. Худойберганов, — ҳеч бўлмаганда битта махсус автомашина ажратилиши керак. Аммо у ҳам йўқ. Ушланган дайдиларни тиббий кўрикдан ўтказиш биринчи даражада бажариладиган вазифалардан бири. Бунинг учун уларни Тошкент Давлат тиббиёт институтига ва Ҳамза туманидаги ОИТС (СПИД) ни аниқловчи ташхис бўлимларига олиб боришимиз лозим бўлади. Қани машина? Йўқ. Натижада шахсий автомобилларимиздан фойдаланишга мажбур бўлаёмиз.

— Бунақада одам ишдан ҳам совиб...

— Асло. Бу — бизнинг хизмат вазифамиз. Қандай шароит ёки вазият туғилмасин, гарданамиздаги бурчни одилона адо этишга масъулмиз ва мажбурмиз. Адо этамиз ҳам.

Суҳбатдош Эркин САТТОРОВ.

ТўДАЛАР УШЛАНДИ

КЕЙИНГИ вақтларда олдиндан тил бириктириб, жиноятга қўл ураётган гуруҳлар кўпайиб бормоқда 1992 йилнинг 10 ойи мобайнида Ургут тумани бўйича жами 21та ана шундай жиноий гуруҳлар қўлга олинди.

Жумладан, 15 мартга ўтар кечаси Янгиариқ жамоа хўжалигининг Алгар қишлоғида яшовчи А. Облоқулов ва Н. Қимматовлар ҳамқишлоғи Н. Пўлатовнинг пешона тери билан етиштирган 250 кило тамакисини ўғирлаб кетганлар.

24 апрелда эса Мисир қишлоғида яшовчи Н. Қўзибоев ва Ж. Гофуровларнинг қўшни Боғизарон қишлоғида Х. Фармонов билан гаплари бир жойдан чиқди. Шум ниятли бу кимсалар фуқаро Норқобиловнинг "Минск" белгили мотоциклини гумдон қилдилар.

Аммо Амир Темур жамоа хўжалигининг қишлоғида тузилган жиноий гуруҳнинг олдида тушадигани бўлмас керак.

Р. Холбозоров, Н. Тугалов, Қ. Холбозоров, З. Пўлатов, Н. Исломов, А. Шарипов, Қ. Одилов, Н. Мавлонов, Ж. Холбозоровлардан иборат тўда чорва молларига бўри галасидек қирон келтира бошладилар. Ҳарқалай бу бўриларнинг иштаҳаларини бўғишга

муваффақ бўлинди.

Ургутлик З. Ўроқов, М. Аҳроров, Ҳ. Солиев ва Б. Қаҳҳоровлар эса болалар боғчасидаги рангли телевизорни ўмариб кетишдан ҳам тоймадилар.

Туманнинг Навоий номли жамоа хўжалиғида яшовчи Х. Хўжакулов, Қ. Сувонов ва А. Яхшибоевлар Кенагас қишлоғида М. Бегимовнинг бир бош қорамолини гум қилдилар.

Шу кунларда туман халқ судида ўн кишини бирлаштирган хавфли жиноятчилар устидан суд кетмоқда. Улар қисқа вақт ичида 15та жиноятни амалга оширганлар. Қароқчилик, босқинчилик, ўғирликка дадил борганлар.

Суд жараёни тугагач, муштарийларни бу иш билан таништириш ниятидамиз. Юқоридаги жиноятларни очиқда ИИБ бошлиғининг оператив ишлар бўйича муовини А. Зиёдов, ЖҚБ бошлиғи Ш. Убайдуллаев, катта оператив ходимлар А. Саидов, М. Мансуровлар, участка вакиллари Е. Рустамов, А. Эргашев, О. Бойматов, И. Искандаров, И. Алиевларнинг сай-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш керакдир.

С. ШЕРАЛИЕВ,
милиция катта лейтенанти.



Тошкент вилояти ИИБ ходимлари ўзларининг касб маҳоратларини ошириб боришга ҳар доим катта аҳамият берадилар.

Сиз кўриб турган ушбу суратда иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими тергов бошқармаси ходимлари милиция капитани Хусан Пулатов назоратида йўл ҳаракати қондаларини қанчалик билишларини яна бир бор синаб кўрмоқдалар.

Сураткаш В. Горбачёв.

НАШАВАНДЛАР

КЕЙИНГИ йилларда ёшларнинг одоб-ахлоқи тамоман ўзгарган. Мабодо панд-насиҳат қилиб, одобга чақирмоқчи бўлсангиз, жеркиб ташлашади. Наҳотки ҳозирги ғала-ғовурлар одамлар ўртасидаги ҳурмат, одамлилик каби ҳислатларни йўқотиб юбормоқда?

Қишлоқ болалари кўнгилчан, оқибатли бўлишарди. Энди эса улар ҳам кўрс, қўпол, сурбет. Бемалол ичкилик ичишади. Ҳеч нарсадан тортинишмайди. Ароқдан сўнг секин чеккага чиқиб, ўзларининг "қўлбола" сигаретларини чекишни одат қилишяпти.

Яқинда ички ишлар ходимлари Марғилонда икки шахсни тутиб олишди. Бирининг ёнидан 50 грамм, иккинчисидан 1,5 килограмм наша олинди. Ажабланирлиси, уларнинг ёши 50 лардан ўтган, ўз невараларига панд-насиҳат бериш ўрнига шундай номмақулликлар билан шугулланишган.

Келажагимизни ёшлар белгилашяпти. Шундай экан, улар ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишлари керак. Бунинг учун эса баҳамжиҳат ҳаракат қилмоғимиз лозимдир.

С. ҚОРАБОВЕВ,
Фаргона вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта нозир.

Қардошларин

Динда ҳам, қонунда ҳам, қотиллик — энг муҳдиш разолат ҳисобланган. Қўлини қонга урганлар бир умр жон азобида қолиши маълум. Гўёки юраклари, виждонлари қон бўлгандек азоб чекканлар.

Фалакнинг гардишини қарангки, шу кунга етдикки, нафақат душману рақибларини ҳатто ўз нуру дийдаларини бурдалашдан тап тортмайдиганлар ҳам борлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Турли ҳодисаларга оид тафаккур юксак ҳисобланган инсонлар орасида ҳар қандай ваҳший жонзотлардан ваҳшийроқлари борлигидан ҳайрату нафратим оша боради. Беихтиёр вужудимга титроқ югуради.

Ё алҳазар, дейман оғир хўрсиниб, ҳали ҳамон ўз фарзандининг қилмишини рихлатга кетган Улуғбекнинг пок руҳлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Мансабини, молу мулк, бойлигини ўз падари-бузрукворидан устун қўйган, ёлгон-яшиқ ваъдаларга, бўхтонларга учган номард ўғилга лаънатлар айтмаз. Бироқ ҳозирги кунларда шундай юзтубан ёмонларнинг ён-атрофимизда юрганлигига бепарвоимиз.

Кунини кеча сайқали замин ҳисобланиб келган Самарқанд туманида рўй берган муҳдиш воқеа юрагимда йиғилиб турган дард-ҳасратни, эҳтиросни ошириб, уни қоғозга туширишга ундади. Кўз ўнгимда қатор ҳодисалар тизими гавдаланди...

Қирққа кириб қўйилмаган, ҳеч бир ишининг бўйинини тутмаган ўғлини маст ҳолда кўрган она насиҳатга ўтди-ю балого қолди. Ичига шайтон кирган, ширакайф ўғил "ўчир!" деб ўшқириб, ўз волидасининг бўғзига чанг солди. Қонсиреган қўллари муштипар онасининг бўйинига илондек чирмашди. 84 ёшни қоралаб қўйган бўлса-да, тетик

юрган она оқ сут бериб ўстирган ўғил қўлида жон берди.

Энг даҳшатлиси шундаки, қотилликни биргина эркаклар эмас, удумимизга кўра илгарилари ота-онасининг кўзига тик қаролмай келган хотин-қизларимиз ҳам содир этишмоқда. Улар ҳам ёвузликда "тенглик"ларини кўрсатишдан ор қилмаяптилар.

Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида яшовчи 31 ёшли жувон ота-онасининг уйда туриши,

Қ О Н И Н

уларнинг толган-тутганига кўз тикиб юриши етмаётганидек, бўлар-бўлмасга жанжал чиқаришни одат қилиб олди. Бу-ку майли, ҳатто, отасининг панд-насиҳатига пичоқ билан жавоб қайтариб падаркушлар қаторига қўшилишдан ҳам тап тортмади.

Қарши туманидаги онлада бўлиб ўтган жанжал эса ҳаммасидан ошиб тушди. Эрининг аёвсиз дўппослашидан хотин зўрга қочиб қутулди. Бироқ хуморидан чиқолмаган эр ўз пушту камаридан бўлган фарзандлар — 8 ёшли Дилрабо, 7 ёшли Дилнозани пичоқлаб, 3 ёшли Хусан ва Фотималарни уриб ўлдирди.

Бекобод шаҳрида яшовчи 30 ёшли шахс ўзидан 10 ёш кичик бўлган укасининг дашномидан тутақиб юрагига қайчи санчди. Эндигина мустақил ҳаёт кечираётган жигарининг умрига зомин бўлди.

Денов шаҳрида эндигина 19 баҳорни қаршилаган келинчакнинг жонига қасд қилишди. Тергов жараёнида унинг қотили умид билан бир естиққа бош қўйган 23 ёшли турмуш ўртоғи эканлиги аниқланди.

Худди шу вилоятнинг Шўрчи туманида яшаётган отахон даҳанаки жанжалдан тутақиб қуёвини ов

милтиғи билан отиб ташлади.

Сирдарёнинг Боёвут туманидаги шахс эса кўнглини оғритган гап учун эндигина 25 ёшга қадам қўйган келинни "МТЗ-80" трактори билан қасддан босиб ўлдирди.

Чортоқ туманида яшовчи 31 ёшли киши 52 ёшли қўшнисини уриб, Нуробод туманида яшовчи шахс эса ҳамқишлоғининг бўйинига пичоқ тортиб юбориб қотилга айланди.

Қалбимни куйдириб турган, хаёлимни чулғаб, ҳаловатимни йўқотган воқеаларни тўкиб солсам, енгил тортаман, деб ўйлагандим. Адашибман, биродаркушликка барҳам берилмас қалб қийноғи қолмас экан. Уларнинг садолари бўғзимга тикилавераркан...

"Эҳ, буюк инсон, бу не қисмат, не қулфат бўлди сенга! Наҳот қондошларнинг қонини тўкишга, жондошларининг жонига қасд қилишгача бориб етдинг?" — дегим келади.

Билмадим, меҳр-оқибат, ҳурмат —

тўкканлар

муносабатнинг юқорилиги билан азалдан жумлан жаҳонга машҳур бўлиб келган юртимиз одамларига нима бўлган бўлиши? Наҳот етти ёт бегонани бағрига босиб, борини баҳам кўрган халқимиз фарзандларидан ўз жигаргўшаларига қирон келтирадиганларни чиқаверса. Йўқ, йўқ булар бари ўткинчи. Булар бари халқимизга, юртимизга ёт. Бундай иллатнинг олди олиниши, сарқитларнинг тугатилиши муқаррар.

А. ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Матбуот гуруҳининг ходими.

ЧОРИШАНБА 23 ДЕКАБРЬ ЎЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Самарқанд вилояти Оқтош шаҳар «Рўзвон» фольклор-этнографик ансамблининг концерти. 7.55 «Эрта тегмангиз, қизлар». Бадий фильм. 9.05 Турк тили. 9.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Устоз». 10.15 «Эл хизматида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уч суҳбат». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бунёдкор». 19.50 «Актёр билан учрашув». Зокир Мўминов. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Қодир Махсумов. 22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.30 «Қайтишни ҳаёлдан чиқаринг». Бадий фильм. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II «ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Спринт». 18.50 «Уолд Дисней таништирад...». Мультфильмлар тўплами. 19.40 «Туркистон чечаклари». Успенский номидаги республика мактаб-интернати ўқувчиларининг концерти. 20.50 «Ишбилармонлар». 21.35 «02» тўлкинида». 21.55 «Тогдан ҳам юксак». Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-серия. 10.10 «Бизнинг мусикий клуб». «440 герц». 10.50 «Муқаддас қадамжолар бўйлаб». 11.50 «Оддий хавфли саргузашт». Мультфильм. 12.00 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемикст». 16.10 «Ён дафтар». 16.15 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 5 ва 6-сериялар. 17.00 «Анастасия». Хужжатли фильм. 17.10 «Кўплаб мусикалар». 17.50 «Матбуот экспресс». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «Аёз жилоси». Мультфильм. 18.30 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради. «Сенинг қалб кўрини» (Минск). 19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 «Ибодатдан ибодатгача». Телевизион хужжатли фильм премьераси. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Сахро». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.55 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. «Самотлор» — «Искра». 23.25 «Автосалон-92» Москвада. Танафус пайтида (24.00) — Янгиликлар. 01.15 «Империя». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-серия.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар. 8.20 Ёшлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Параллеллар. «Кельндаги соло». Лев Копелев. 9.25 «Тану жоним». Омон қилишлик мактаби. 9.45 «Фарсмажор». 10.15 «Мегаполис». 10.45 «Эдита Пехва баъзи». 11.30 Мультфильм. 11.45 Кундузги сеанс. «Ишчилар посёлкаси». Бадий фильм. 1-серия. 12.50 «Гап-гаштакларни қўмсаб». 13.20 «ТИНКО» савдо уйи. 13.25 «Дехқонларга тааллуқли масала».

15.45 «Сигнал». 16.00 «Дераза». 16.30 «Сизнинг хусусийлаштириш чекингиз». 16.45 «Танафус». Светлана Лазарева куйлайди. 16.55 Янгиликлар. 17.10 Трансроссфир. «Узоқ Шарқ». 17.55 Ёшлар.

18.00 — 19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

19.00 «Хэнк — кўриқчи ит». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс). 19.30 «Совук тенгизликлар». «Оқшом туша бошлаган зона» (Си-би-эс).

20.00 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 «Бўри». Телевизион бадий фильм (Си-би-эс). 00.05 «911 халоскорлик» (Си-би-эс).

ПАЙШАНБА 24 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Кекса санъаткорлар». Хотам Қосимов ва Абдувоҳид Зайниддиновлар куйлайди. 7.55 «Разолат». Бадий фильм. 9.20 Араб тили. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00 «Учрашув».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Глиэр номидаги мусика мактаби



Ўқувчиларининг концерти. 18.40 «Дехқон ўйлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Умр сардафари». Гайбулла Салом таваллудининг 60 йиллигига. 19.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов куйлайди. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ҳукумат тадбирлари. 21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.00 «Прерия». Бадий фильм. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II «ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.00 «Юксалиш». 19.40 «Шарқ лирикаси». Навойи. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Ёшлар «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадий фильм. 6-серия. 10.10 Мультфильмлар: «Янги йил кечаси», «Майсали тузок». 10.40 Дилрабо концерт. 11.00 «Қазақлар...». 12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Катта Володя, кичик Володя» Телевизион бадий фильм

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

15.20 «Телемикст». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 7 ва 8-сериялар. 16.45 «Маънавий ҳамжиҳатлик». 17.15 «Олеся ва компания». 17.45 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.20 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.50 Рождество кечаси. Р. Паулс. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Қора қути». 21.55 «Бағишлов». Телефильм. 22.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Ахборот-мусикий кўрсатув. Танафус пайтида (24.00) — Янгиликлар. 01.05 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг» кўрсатувининг давоми. «Қиролнинг тўйи». Бадий фильм (АҚШ).

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Балик белгиси билан». 9.05 Вариацияли мавзу. 9.45 «Пилгрим». Россия саёхатлар бюроси. 10.30 Мультфильм-пульти. 10.40 Кундузги сеанс. «Ишчилар посёлкаси». Бадий фильм. 2-серия. 11.45 «Бурда моден» тавсия этади... 12.15 «ТИНКО» Савдо уйи. 12.20 «Дехқонларга тааллуқли масала». 12.40 «Рост» студияси. «Таклиф этишга рухсат этинг».

15.30 «Карвон». Телеальманах. 16.25 Янгиликлар. 16.40 «Россия биринчи марта». 17.05 «Янги йил пирог». 17.15 Мультфильм-пульти. 17.25 Шундай яшаймиз. «Ялангоёқлар». 17.55 Ёшлар.

18.00 — 18.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.40 «Кэттс ва кучук». Болалар учун телефильм (Си-би-эс). 19.10 «Кечки соя». Кинокомедия (Си-би-эс).

20.10 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 «Кўча воқеалари». Публицистик кўрсатув (Си-би-эс). 23.25 «К-2» таништирад: «Совут». Бадий фильм; «Халқ фраки»; «Медиа».

ЖУМА 25 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Жостов жилалари». Телефильм. 7.55 «Қайтишни ҳаёлдан чиқаринг». Бадий фильм. 9.10 Инди тили. 9.40 «Адолат». Ҳуқуқий видеоканал. 10.30 Болалар учун. «Сева рақсга тушади».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Наташа учун эртақ». Мультфильм. 18.20 «Футбол-92». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20

«Шифокор олим». Профессор Носир Аҳмедов. 19.55 Мумтоз куйлар кечаси. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 21.30 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадий фильм. 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II 17.00 АШПАТД КЎРСАТАДИ.

«ОРБИТА IV»

5.55 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 Мультфильмлар: «Арча чироқлари порлаганда», «Арча ўрмонда тугилган». 9.45 «Саёхатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 10.35 Э. Грач ва унинг шоғирдлари ижросида концерт. 11.20 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 12.00 Янгиликлар. Кундузги киноэкспресс 12.20 «Бу гўзал ҳаёт». Бадий фильм (АҚШ). 14.30 «Стингерлар саргузаштлари». Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 14.45 «Мартишка ва сивизга». Мультфильм.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).

15.20 «Бридж». 15.45 «Бизнес-класс». 16.00 «Ён дафтар». 16.05 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 9 ва 10-сериялар. 16.45 И. С. Бах. «Бранденбургча концерт». 16.55 «Марказ». 17.35 «Технодром». 17.45 «Матбуот-экспресс». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.20 «Иқтисодий клуб». 19.20 Инсон ва қонун. 19.50 Мўжизалар майдони. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгиликлар. 21.20 Детективлар клубида. Эротик томошалар. Телевизион бадий фильм премьераси. Линда Федиоскино санъати. Телефильм. Манбалар туркумидан. «ВИД» таништирад: 22.35 «Сисей бюро». 23.05 «Музобоз». 23.45 «Хафтаннинг машҳур кишиси». 00.35 «Авто-шоу». 00.50 «Обоз» майдони. Танафус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ёшлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Телестройсервис». 9.10 «Оқ қарга». 9.55 «Тилла шпора». 10.25 «Маскишоу». 10.55 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари. 11.55 Кундузги сеанс. «Инженер Гариннинг гиперболоиди». Бадий фильм. 13.30 «ТИНКО» Савдо уйи. 13.35 «Дехқонларга тааллуқли масала». 13.55 «Телебиржа».

16.00 «Рост» студияси.

«Тонлабиринг». 16.30 Янгиликлар. 16.45 «Янги йил пирог». 16.55 Трансроссфир. «Москвагача олис». 17.40 «М-трест». 17.55 Ёшлар.

18.00 — 19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

19.10 Жума кунлари Уолт Дисней. Рождество юлдузи. Бадий фильм. 1-серия. 20.00 Спорт кўрсатуви. 20.05 «Хар бир кун Рождество». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс). 20.35 «Сандиқ». «Оқшом туша бошлаган зона» саргузашт туркумидан фильм (Си-би-эс).

21.05 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 «Бизамберглик махлук». «Европа полициячилари» туркумидан бадий фильм (Си-би-эс). 23.25 Парламент хабарномаси. 23.40 «Апачиларнинг энг охиригиси». «Порох хиди» туркумидан саргузашт фильм (Си-би-эс). 01.20 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

ШАНБА 26 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 «Ассалому алайкум» 8.00 «Ўсмирлар қоинотда». Бадий фильм. 9.15 «Алифбо сабоқлари». 9.45 «Хужжатли экран». «Ўзбек-телефильм» студиясида яратилган фильмлар ҳақида. 10.45 Болалар учун. «Эртақлар — яхшиликка етаклар». 11.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мўжизалар маскани». 12.15 «Мушоира». Адабий кўрсатув. 12.45

«Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас». (қозоқ тилида). 13.45 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 14.15 «Хотира». Тўғон Эрназаров. Тижорат канали. 14.45 «Юртим фаровонлиги — мен учун бахт». 15.10 «Қизилжар чорвадорлари ҳузурда».

18.00 Кўрсатувлар тартиби.

18.05 Мультфильм. 18.30 Телетомошабиларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида). 19.00 «Ала-Тоо». 19.30 Қирғизистон республикаси халқ шоири Жалил Содиқовнинг муаллифлик кечаси. 21.00 «Ала-Тоо». 21.20 Қирғизистон халқ шоири Жалил Содиқовнинг муаллифлик кечаси (давоми).

ЎЗТВ II БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 Мультфильм. 18.30 Телетомошабиларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида). 19.00 «Ала-Тоо». 19.30 Қирғизистон республикаси халқ шоири Жалил Содиқовнинг муаллифлик кечаси. 21.00 «Ала-Тоо». 21.20 Қирғизистон халқ шоири Жалил Содиқовнинг муаллифлик кечаси (давоми).

«ОРБИТА IV»

6.40, 14.55, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Моторлар оламида». 9.00 «Марафон-15» кичкинтойларга. 9.25 «Эльдорадо». 9.55 «Шанба кунги дастхат 10.25 «Инсон институти». 11.10 «Услуб». 11.40 «Ҳақат самолёт билан етиб олиш мумкин». 12.30 «Қадрдон дўстлар қироллиги». Мультфильм премьераси (АҚШ). 13.25 «Мусикий дўкон». 13.55 «Қайтиш». Телевизион хужжатли фильм премьераси («Вяткателефильм»). 14.45 «Матбуот экспресс». 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Марказий экспресс». 15.50 «Дракулито — вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция). 16.10 «Виктория». Мусикий томоша. 17.35 «АВВГДЛТД» телесериали. 10-серия. 18.05 «Қизил квадрат». 18.40 «Қолабиа пикчерз» таништирад: Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тутси». Бадий фильм (АҚШ). 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Ёшлар. 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Актёрлар, актёрлар...». А. Папанов. 22.25 «Европа плюс». 23.25 «Мен сизни севардим...». А. Пушкин. 24.00 Янгиликлар. 00.35 Охири киносеанс. «Сенинг исминг — бокира». Телевизион бадий фильм (Куба).

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан». 8.50 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи. 9.20 «Янги йил пирог». 9.30 «Агар сиз...». 10.00 «Плюс ўн бир» видеоанали 11.15 «Мактаб йирик планда» («Янги йил компюти» ёки «Қириш мумкин»). 12.00 Кундузги сеанс. «Тилла пиллапояларда ўтирадлар...». Бадий фильм. 13.10 «В. Верещагин ватанида».

13.40 — 16.10 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИНИНГ

«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Ахиликда узок умр». 2 «Мўйқалам ва экран». Мусаввир И. Калантаров ижоди ҳақида. 3. «Кашфетлар оламида». 4. «Чисен» (корейс тилида).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

16.10 Мультфильм.

16.20 — 18.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.20 «Сени севаман». Бадий фильм (Си-би-эс). 20.00 Видеолава. 20.25 «Хеллграмайт услуби». «Оқшом туша бошлаган зона» саргузашт туркумидан (Си-би-эс). 20.55 «Энн ва Эндиннинг саргузаштлари». Болалар учун мультфильм (Си-би-эс). 21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг Сессиясида. 21.55 Ёшлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Сеҳри қаср». Дам олиш кўрсатуви (Си-би-эс).

ЯҚШАНБА 27 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 «Қўшиқ билан бошланар тонгим». Мусикий кўрсатув. 7.40 «Шифобахш» ўсимликлар атрофимизда. Телефильм.

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Санников ери». Бадий фильм. 10.00 «Биргаликда куйлаймиз». 10.30 «Шохрух» клуби. 11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». 12.05 «Чорвадор». 12.35 Мусикий учрашулар. 13.15 Тижорат канали. Иқтисодий ислохот йўлидан. 13.25 Ёшлик студияси кўрсатади. Мардлар

қўриқлайди Ватанни. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида видеоканал. 16.00 Тижорат канали. Учқўприк неъматлари.

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшигим — жон қўшигим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Фан». Телеойнома. 19.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Телевизион миниятуралар театри. 21.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Оқ йиртқиш ови». Бадий фильм. 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05 — 12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программалар: «Хуш хабарлар»; «Бобок, сенин жомоғун»; «Қош бол, Мери Поппинс»; «Дидар шоу»; «Балдар» студиясининг мейманканасида; мультфильм

18.05 —

Мультфильмлар программаси: «Ғаройиб манеж»; «Навқирон Иван қандай қилиб шох қизини қутқарди?»; «Новвой ва дангаса». 18.30 Концерт. 19.00 «Ала-Тоо» 19.20 «Ир кесе». Тянь — Шон райони. 21.30 «Қанзак Изаура». Кўп серияли бадий телефильм 10-серия (рус тилида).

«ОРБИТА IV»

6.20, 18.40 — Кўрсатувлар тартиби. 6.25 «Рухни чиниктириш». 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Доира тоғларга чорлайди» (Ўзбекистон). 9.05 «Соло». 9.35 «Эрта сахарлаб». 10.05 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». 8-кўрсатув. 10.35 «Ақли болалар» ва

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Истеъфодаги генерал-лейтенант Бурхон Ҳасанович Сирождидинов 75 ёшга тўлди.

Унинг бутун онгли умри армия таркибида ва ИИБ тизимида хизмат қилиш билан боғлиқ бўлиб, бу ишга у ҳаётининг 45 йилини бағишлади.

Бурхон Ҳасанович 1917 йилда таваллуд топди. Полк мактабини тугатгандан сўнг турли командирлик лавозимларида ишлади. Улуғ Ватан уруши йилларида, унинг бошидан охирига қадар, артиллерия полки разведкаси таркибида Ғарбий ва Беларус фронтларида жанг қилди. Урушдан кейин қалб амри билан ички ишлар идораларида хизматга келди. Республика ИИБ маҳкамасида ишлади. ИИБ Олий курсларининг ташилотчиларидан бири ва биринчи бошлиғи бўлди.

Камтарлик, меҳнатсеварлик, ғайрат-шижоат — унга ҳос асосий хислатлардир. Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги, тинч даврда хизмат бурчини намунали бажарганлиги учун кўпладан ордон ва медаллар билан мукофотланган.

Ҳозирги кунда ҳам Б. Ҳ. Сирождидинов илгаригидай сафда. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгашининг раиси сифатида Бурхон Ҳасанович ўзининг бой ҳаётий тажрибаси ва билимини милиция идоралари ва ички ишлар бўлимлари ходимларини халқ ҳамда қасамдга садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялаш ишига сарфламоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳайъати ва Фахрийлар кенгаши Б. Ҳ. Сирождидиновни ажойиб юбилей билан табриклайдилар, унга сўхат-саломатлик, шахсий ҳаётида катта бахт ва ишларида янги-янги муваффақиятлар тилайдилар.



МАРДЛАР МАЙДОНДА

СПОРТ

ЯҚИНДА Қашқадарё вилоят ҳокимияти ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлимининг икки қарра собиқ ССЖИ ва Оврупа чемпиони Хушвақт Рўзикулов номли спорт залида ички ишлар идораларининг қўл жанги бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди. Мусобақада 11 жамоа иштирок этди. Қўл жанги беллашувида спорт усталари, усталикка номзодлар, 1, 2-босқичдаги спортчилар ўз вазн тоифаларида майдонга тушдилар. Шахсий биринчиликда 65 килограмм вазида Қарши шаҳар 5-тергов ҳибсхонаси ходими ички хизмат старшинаси Т. Холмўминов барча рақибларини доғда қолдириб, голиблик шохсупасига кўтарилди. Шунингдек, вилоят ИИБдан Ш. Туропов (70 кг.), Т. Назаров (75 кг.), Б. Қодиров (80 кг.), С. Муракаев (90 кг.), Касби туманидан Н. Йўлдошев (85 кг.) лар ҳам зафар кучишди.

Шундан сўнг мутлақ голиблик учун кураш бошланди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси ходими милиция сержанти Т. Назаровга омад яна қулиб боқди. Б. Саидов, Т. Холмўминов, А. Тоировлар совринли ўринларни эгаллашди. “Энг чиройли

беллашув” учун бериладиган соврин эса Қарши шаҳар 5-тергов ҳибсхонасининг ходими ички хизмат прапоршиги А. Хидировга топширилди. Шарқона якка курашнинг таъқвандо, у-шу, қаратэ каби турларини мукамал ўзлаштириб олган бу йигитнинг ҳар бир чиқишини томошабинлар қизгин қаршилаб туришди. Голибларга вилоят ички ишлар бошқармаси ва “Динамо” спорт жамиятининг махсус совринлари топширилди.

— Мусобақани ўтказишдан мақсад ички ишлар ходимларининг жанговар тайёргарликларини оширишдир. Дастлабки босқич қуйи бўлим ва бўлимларда ўтказилди ва голиблар мазкур мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар, — дейди мусобақа бош ҳақами милиция капитани Боқижон Тўрабоев. — Ушбу мусобақада голиб чиққан спортчилар келгусида республика миқёсида ўтказиладиган йирик мусобақаларга тайёргарлик кўришади. Ўйлайманки, вилоятимиз спорти шаънини ҳимоя қилишда моҳир спорт усталари ўзларининг маҳоратларини кўрсатадилар.

С. ЧОРИЕВ.

ҚАЙТА ТУҒИЛГАНЛАР

ЯПОНИЯЛИК Масару Сайто исмли ҳайдовчи музлатилган маҳсулотлар ташийдиган машинани ҳайдарди. Ёз кунларининг бирида у Судзуоки шаҳридан Токиога йўл олди. Куннинг иссиқлиги ва йўлнинг узоқлиги уни роса қолдан тойдирди. Нафас ростлаш учун машинанинг музлаткич ўрнатилган хонасига кирди...

Йўловчилар узоқ туриб қолган машинанинг ҳайдовчиси йўқлигидан ажабланиб юкхонани очишди. Қарашса ичида “музодам”. Зудлик билан яқиндаги касалхонага жўнатилди. Шифокорларнинг бир неча соатлик меҳнати музлаган одамни жонлантиришга етарли бўлди.

Бу воқеа билан қизиқиб қолган шифокорларнинг аниқлашича, Сайто олдинга қуруқ музнинг эришидан чиқаётган газ билан заҳарланган. Шу туфайли ҳарорати — 10°C бўлган хонада

музлай бошлаганини ўзи сезмай қолган.

Шунга ўхшаш воқеа Американинг Шимолий Дакота штатида ҳам бўлиб ўтди. Музлаган дарёда ўйнаётган 11 ёшли Альваро Гарзой сувга йиқилди. Қутқарувчилар 45 минутдан сўнггина уни дарёдан олиб чиқдилар. Боланинг танидаги қон ҳаракати тўхтаган бўлиб, ҳарорати + 23-25 атрофида эди. Уни ҳаётга қайтаришга ишонч бўлмасада “чиқмаган жондан умид” қабилида иш юритган шифокорлар ўлимни энгшига муваффақ бўлишди.

Норвегияда ҳам айнан шундай ҳодиса содир бўлиб, унда 5 яшар бола ёрилган муздан сувга йиқилган. 40 минутдан кейин қутқарувчилар топишганда на юраги ва на танининг бошқа жойида ҳаракат бўлган. Уни ҳам сунъий нафас бериш ва массаж қилиш билан ҳаётга қайтаришга эришилган.

Фақат музлаганларнигина эмас, ҳатто бошқа сабабларга кўра ҳаётдан кўз юмган, бутун тани ҳаракатдан тўхтаганларни ҳам ҳаётга қайтарса бўларкан. Яқинда Болгарияда бўлиб ўтган воқеа ҳам бундан далолат беради.

Софиядаги тиббиётчилар малакасини ошириш институтида ишлайдиган ҳамширани юқори қувватли электр токи урган. Ҳамкасбларини ҳаётга қайтаришга киришган тиббиётчилар массаж қилиш ва сунъий нафас беришга зўр бердилар. Уринишлар бесамар кетмади. 10 дақиқалардан сўнг ҳолсиз танда жонланиш сезилди. Олдинга беморнинг ҳаракати аслига қайта бошлади. Кейинчалик гапиришни, ўқишни ўрганиб, билганларини эслай бошлади. Бир неча кундан сўнг хотираси ҳам тикланиб ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетди.

Абду РАҲИМ тайёрлади.

ЯНГИ БИНО МУБОРАК БЎЛСИН!

Бўзота туман ҳокимлиги ИИБнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни “Аралводстрой” курилиш бирлашмасининг Бўзота кўча механизациялашган колоннаси куриб битказди. Иш ҳажми 2 миллион сўмни ташкил этди.

Курилиш ишлари олиб борилган бутун давр мобайнида туман ИИБ ходимлари хизматдан бўш пайтларида курувчиларга ердан бердилар. Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига кўра ТИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ерданчи Абат Дабилев, ДАН назоратчиси Маҳмуд Нурманов, оддий милиция ходими

Рўзимбой Дўшанов ва бошқалар пул мукофотлари билан рағбатлантирилдилар.

Янги бинодан фойдаланишга бағишланган маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши капитал курилиш бўлимининг бошлиғи С. П. Акатоев, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирини Жанабой Шилманов, Бўзота туман ҳокими вазифасини бажарувчи Н. Ернарзоров иштирок этдилар.

Жуманиёз ОТАНИЕЗОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси ИИБ матбуот
гурӯҳининг бошлиғи.

КЎРИК-ТАНЛОВ

Яқинда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ва шаҳар, туман бўлимлари бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. У ички ишлар хизматчилари орасида ҳам истеъдодли кўшиқчилар борлигини яна бир бор намоён этди.

Беллашувда Пастдарғом тумани ИИБ ходимлари биринчи; Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳамда Оқдарё тумани ИИБ вакиллари иккинчи; Жомбой тумани ИИБ бадий ҳаваскорлик гуруҳи эса учинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Танловда милиционерларнинг оилавий гуруҳлари ҳам қатнашишди. Оқдарё тумани ИИБ катта участка вакили, милиция майори Шавкат Раҳматов, Нарпай тумани ИИБ ходими, милиция сержанти Омонқуловлар оилавий гуруҳларининг чиқишлари кўпчилигининг диққатини тортиди.

Танлов голиблари вилоят ИИБ томонидан Фахрий ерликлар, ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Н. ОЛИМОВ.

БУ БАЛОДАН АСРАГИН!

Яқинда Россия телевидениеси орқали СПИД касаллиги ҳақида кўрсатув намоёни қилинди. Унда таъкидланишича, Россия Федерациясида 40 миллион аҳоли СПИД вирусини юқтирган. Ҳар йили 5 мингдан омиқ одам бу касалликка чалинаётган экан.

Минг афеуслар бўлсинким, Республикамизда ҳам СПИДга чалинганлар йўқ эмас.

Мен ўлкамида бу дарднинг ёйилиб бораётгани ҳақида бирор маълумотга эга эмасман. Аммо аминманки, унинг олдини олиш ҳусусида қайғурмас, бу ҳақда бонг урмас эканмиз унинг илдиз отишга замин яратган бўламиз.

Бу вабонинг қандай юқиши

тўғрисида кўп ёзилмоқда, айтилмоқда. Қолбуки ҳали уни даволаш муаммо. Шундай экан ҳар бир киши ахлоқий томонларига четдан назар ташласа, ҳаромни ҳалолдан ажрата олса. Юртимиз туپроғини покиза тутишда фарзандлик бурчини ўтаса.

Мен Хонобод шаҳар Кенгашининг ноиб, меҳнат фахрийси ҳамда табиб сифатида истардимки, бизнинг диёримизни бу касалликдан йироқ қилсин ва унинг борлиги ҳақида эшиттулик ҳам қилмасин. Яратганининг ўзи асрасин бу балодан.

М. МАМАЖОНОВ,
Андижон вилояти.
Хонобод шаҳри.

Махсус устун

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Темирийўлдаги ички ишлар идораларининг Жанубий Тошкент темирийўл шохбекати томонидан Осиё миллатига мансуб, тахминан 20 — 25 ёшлардаги аёлнинг шахси аниқланмоқда. У мана шу шохбекатда темирийўл транспорти тағида қолиб, ҳалок бўлган.

Белгилари: бўйи 160 — 165 см., сочлари, кўзлари қора, тишлари бут.

Либоси: кўк жинси, оқ ип газламадан тикилган куртка, кулранг йўл-йўл кофта, жигарранг колготка, оқ туфли кийган.

Жабранган ҳақида бирор нарса билган кишилардан 02 телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.



ҚИДИРИЛМОҚДА



Тошкент вилояти Зангиота район ИИБ томонидан 1992 йил сентябрда бедарак йўқолган 1938 йилда туғилган, Зангиота район Хонобод қишлоқ совети Навоий номли жамоа ҳўжалигининг Коминтери кўчаси 10 уйда яшаган Имхонам Фархатовна Каримжонова қидирилмоқда.

Белгилари: бўйи 150 — 155 см., ўртача семизликда, сочлари жигарранг, оқ оралаган, қошлари ёйсимон, кўзлари жигарранг, қиррабурун, юзи думалоқ. Кўк кўйлак, қизил туфли кийган, бошига қизил дурра ўраган.

Алоҳида белгилари йўқ. Қидирилётган аёл ҳақида бирор нарса билганлардан 02 ёки 52-102, 53-345 (Зангиота район ИИБ) телефонлари орқали хабар қилишларини сўраймиз.

Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳар ИИБ томонидан 1988 йил туғилган, шаҳарнинг Шавқий кўчаси 35-уйининг 19-хонадонида яшаб келган Анорбек (Дамир) Узоқов қидирилмоқда.

Кўрганларининг айтиши бўйича уни тахминан соат 12ларда “Қуёшча” номли 16-болалар боғчасидан ёшлари 25лардаги, бўйлари узун — 182 см., сочлари қора, жингалак, кўзлари қора, қора магиздан келган йигит велосипедда олиб кетган.

А. Узоқовнинг белгилари: бўйи 100 сантиметр, бугдойранг, сочлари қора узун, тапириши тез.

Эғнида: Хитойда тикилган оч яшил рангли, олд кўкрак ва енгларида сариқ чизикли, икки олд томонида жўжа сурати тикилган қалпоқчали, занжирли куртка, нейлондан тикилган ҳаворанг жемпир, шим, юнгли ҳаворанг бош кийимида, кўк рангли макосин бўлган.

Асосий белгилари: ўнг қош қовоғидан юзигача тушган 4-5 сантиметр узунлиқтаги янги чандиги бор.



ЭЪЛОН

1990 йилда Тошкентдаги 2-медицина билим-юрти томонидан Турсуной Ғаниева номига берилган ПТ-1 № 073949 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани “Тартибот” пул-буюм лотореясини ўтказиш комиссияси фуқароларга шунинг маълум қиладики, лоторея тиражи 1992 йилнинг 25 декабридан 1993 йилнинг 20 апрелига қўчирилади. Лоторея билетларини сотиш давом эттирилади.

■ Кўчириб босишда «Постда» газетасидан эканлигини кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.